

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон Давлат университети

Қўлёзма ҳуқукида

Маҳкамова Фароғат Норалиевна

ТОҒАЙ МУРОД АСАРЛАРИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

Ихтисослиги: 5A220101-“Филология”

Адабиётшунослик бўйича магистр даражасини олиш учун
магистрлик диссертацияси

Андижон-2010

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I боб. Тоғай Мурод - ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакили.....

II боб. Халқ донишмандлиги сарчашмалари.....

III боб. Адиб асарларининг бадиий хусусиятлари.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Адабиётшуносликда "фольклор анъаналари" атамаси кенг истифода этилади. Бу атама илмий тадқиқотларда фаол ишлатилса ҳам, бироқ бирорта илмий мақола ёки монографияда унинг аниқ маънолари изоҳланмайди. Бу нарса ўз навбатида фольклор анъаналари ҳақида аниқ ва яхлит тушунча бершпга монелик қилади. Бизнинг назаримизда, фольклор анъаналари термини ифодалаган маънолар қамровини белгилаб олиш, ҳар бир маънонинг чегарасини аниқ изоҳлаш пайти етиб келди.

Маълумки, фольклорда халқнинг маънавий-ахлоқий дунёси, эътиқодий қарашлар тизими, маросим ва урф-одатлари, воқеликка бўлган этик-эстетик муносабати, дунёқараши ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Ана шуларнинг барчаси яхлит ҳолда мужассамланиб, фольклор анъаналарини ташкил этади. Масалага янада аниқроқ ёндашадиган бўлсак, реалистик адабиёт вакиллари томонидан ижодий ўзлаштирилган фольклор анъаналари уч типдаги тушунчалардан иборатлиги маълум бўлади. Булар: а) фольклорга хос юксак ғоялар анъанаси. Мазкур анъана типда халқнинг асрлар мобайнида эзгуликнинг ғолиб чиқиши, яхшиликнинг боқийлиги, инсоний улуғворлик, севгида садоқатлилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, дўстлик каби завоил билмас ғояларининг фольклорда тараннум этилиши, бу ғояларнинг ёзма адабиётда турли даврларда куйланиши ҳақида сўз юритилади; б) типлар анъанаси. Халқ ижодида шундай типлар яратилганки, улар исталган макон ва замон учун мос келишлари билан ажралиб турадилар. Ўзбек реалистик адабиёти вакиллари ўз асарларида ана шу анъаналардан қай даражада фойдаланганлиги ҳам адабиётшунослик учун долзарблик касб этади. Биз ишимизда айна шу масаланинг Тоғай Мурод ижодида қай даражада амалга ошганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтдик; в) бадий шаклдаги анъаналар.

Албатта, фольклор анъаналарининг салкам бир асрлик ўзбек реалистик адабиётининг шаклланиши, тарихий тадрижида тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш махсус илмий кузатишлар талаб этадиган илмий масаладир.

Дунёнинг илғор адабиётлари қаторида ўзбек адабиёти ривожига фольклор анъаналарининг ўрни ва аҳамияти ҳам бекиёс даражада катта. Барча халқлар адабиётига назар солинса, доно ижодкорлар асарларида халқ оғзаки ижодининг таъсири кучли бўлганлигини, фольклор анъаналари ёзувчиларга эстетик идеалини бойитишда битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Шу боис улкан сўз санъаткорлари халқ ижодини тенгсиз бадий хазина сифатида баҳоладилар ва ундан ижодий фойдаланишга интилдилар.¹

Агар адабиётимиз тарихига назар солинса, ХІ асрда яратилган Юсуф Хос

¹ Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. Т., «Исти=лол», 2005.

Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридан тортиб ҳозирги адибу шоирларимизга қадар фольклор барҳаёт анъаналаридан ҳамиша унумли фойдаланганликларини яққол кўрамиз.

Бадиий адабиёт ривожланган сари адабиётшунослик ҳам ривожланади. Бу табиий ҳолдир. Демак, адабиётшунослик олдида ҳам ранг-баранг муаммолар туғила боради. Ана шундай муаммолардан бири бизнинг назаримизда, энг муҳими халқ ижоди ва реалистик адабиёт муносабати масаласи бўлиб, ушбу масала ечимига бағишланган асарлар талайгана эканлигига қарамай, ҳозирга қадар ўзининг тўлиқ ечимини тополганича йўқ.

Ҳақиқий сўз санъаткорлари халқ ижодига, унинг битмас-туганмас анъаналарига маҳорат мактаби, бадиий ижоднинг сарчашмаси сифатида ёндашадилар ва ундан ижодий фойдаланишга интиладилар. Бироқ XX асрнинг 70-йилларига қадар адабиётшунослигимизда ёзма адабиёт ва фольклор муносабатлари бирмунча заиф ўрганилди. Агар ўтган асрнинг 50-60-йиллари адабиётшунослигига назар солинса, ёзма адабиёт ва фольклор анъаналари муносабати масаласи у ёки бу адиб, шоир ижодидан оддий фольклоризмларни излаб топиш даражасида ҳал этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, ёзма адабиёт ва фольклор анъаналари масаласи ўта мураккаб ҳамда серқирра бўлиб, проф. Б.Саримсоқов бу ҳақда қуйидагиларни ёзганида тўла ҳақли эди: "Маълумки, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати ўз ичига ижодкор асардаги оддий фольклоризмдан тортиб ижодий метод муносабати, халқчиллик, миллийлик ва байналминаллик, ижодкорнинг фольклордан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуллари, у ёки бу санъаткор маҳорати йўналиши ва унда фольклор анъаналарининг таъсири каби масалалар билан биргаликда бадиий шакл соҳасидаги ўзаро таъсир масалаларигача қамраб олади".

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари масаласи тадқиқ этилар экан, тарихийлик тамойилларга амал қилиниши унутмаслик керак. Чунки, биринчидан, ушбу тамойил исталган сўз санъаткори ижодидаги фольклор анъаналарининг ўрни, уларнинг муайян адиб ёки шоир ижодида ривожлантирилганлиги аниқ тарихий давр нуқтаи назардан, қолаверса, индивидуал ижодкор маҳорати нуқтаи назаридан тўғри, объектив ёритилишига имкон берса, иккинчидан, фольклор ва адабиёт муносабати нуқоби остида сўзни қуруқ олиб қочишдан тадқиқотчини сақлайди, айти пайтда, уни бу мураккаб масалада аниқ факт асосда фикрлашга ундайди.

Фольклордан ижодий фойдаланиш кўпинча синтез характериға эға бўлади. Чунки бадиий асардаги фольклор унсури шу асарнинг барча компонентлари билан ўта даражада бирикиб кетадики, уни ташқи томондан ажратиб олиш мумкин бўлса ҳам, бироқ мазмун жиҳатидан алоҳида ажратиб бўлмайди. Демак, фольклорға хос анъаналарнинг бадиий адабиётдаги ўрни ижодий қайта ишланиш орқали белгиланадики, улар ёзма бадиий асарнинг зарур таркибий қисмиға айланиб кетадилар. Машҳур адиб Ч.Айтматов ўз

мақолаларидан бирида бу ҳақда махсус тўхталиб шундай ёзади: "Мен ҳамиша эпос ҳақида фикр юритаман. Бу халқ донишмандлигининг ўта мураккаб, кўп қиррали тажассумидир.

Лекин мен эпосни ўз асарларимга шунчаки эмас, балки уни ўзлаштирган ҳолда киритаман."

Албатга, ўзининг ғоявий нияти ва мақсадига қараб ижодкор фольклор анъаналарига турлича муносабатда бўлади. Чунки у бир ўринда фольклор материални шаклан ўзгартирмай айнан қўлласа, бошқа бир ўринда уни шу даражада қайта ишлаб, асарнинг руҳига сингдириб юборадики, кўп ҳолларда, бундай фольклоризмни алоҳидалаб олиш ҳам мумкин бўлмай қолади.

Ҳозирги адабий жараёнда ҳам фольклор анъаналарига қизиқиш, унинг кенг бадиий имкониятларидан ижодий фойдаланиш заррача сусайган эмас, Аксинча, ҳозирги адабий жараёнда фольклор анъаналарининг умрбоқий имкониятларидан, гўзал бадиий усул ҳамда воситаларидан, юмористик ва ҳажвий кулгу орқали фолклор этиш санъатидан ижодкорлар унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу томондан келиб чиқиб, адабиётшунослар турли миллий адабиёт вакиллариининг фольклорга кенг мурожаат этишларини ҳозирги адабиётни ривожлантирувчи етакчи тамойиллардан бири сифатида баҳоламоқдалар.

XX аср ўзбек адабиётининг Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, А.Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, С.Абдулла, К.Яшин, Т.Тўла, Қ.Муҳаммадий сингари намояндалари халқ оғзаки ижодидан таждидий (новаторона) фойдаланганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг олдимиздаги бош вазифа уларнинг фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланишларидаги ўзига хосликларни, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш ва бу муносабатнинг истиқболли жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

Бизнинг назаримизда, адабиёт ва фольклор муносабати масаласини ижод характери, йўналиши бир-бирига яқин бўлган адиб ёки шоирлар ижоди асосида ўрганишдан кўра, истеъдод йўналиши, ижод характери бир-бирига яқин бўлмаган адиб ва шоирлар ижоди асосида ўрганиш кўпроқ фойдалидир. Чунки адабиёт ва фольклор муносабатларини алоҳида танлаб олинган ижодкор асарлари асосида ўрганиш анча осонроқдир. Икки ёки ундан ортиқ ижодкор ёхуд айрим олинган бир давр ижодкорларнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги ўзига хосликларини очиб бериш қийин, айти пайтда кўпроқ самаралидир.

Ўзбек адабиёти фольклор анъаналари масаласини ёритишда биз ўзгача йўлдан боришга ҳаракат қиламиз. Чунки бизнинг мақсадимиз муайян бир даврдаги алоҳида олинган адиб ёки шоирнинг ижодидаги фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш эмас, балки XX аср ўзбек реалистик адабиётининг Ҳамза, А.Қодирий, Чўлпон

каби йирик намояндаларидан тортиб, ҳозир ҳам халқ ижоди сарчашмаларидан унумли фойдаланиб қалам юритаётган вакилларигача бўлган материалларни таҳлилга тортиш, шу орқали фольклор аънаналаридан ижодий фойдаланиш тамойилларининг тадрижини ҳам кўрсатишдан иборат.

XX аср ўзбек адабиёти ва фольклор аънаналари ҳақида сўз кетар экан, биринчи навбатда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодига тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Чунки Ҳамза ўз ижоди билан фольклор аънаналарини ижодий қўллаш тажрибасини ўзбек реалистик адабиётида биринчилардан бўлиб бошлаб берди десак, янглишмаган бўламиз. Дарҳақиқат, у ёзма ва оғзаки адабиёт ўртасидаги алоқа реалистик адабиётнинг етакчи тамойилларидан бири эканлигини амалда исботлаб берди.

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек реалистик адабиётида йирик ўзгаришлар юз берди. Булар, биринчидан, аънавий лириканинг реал ҳаётга яқинлашиши ва халқ кўшиқларидан ижодий фойдаланиш орқали асарнинг халқчиллигини кучайтиришда, иккинчидан, соф ҳаётий конфликтга асосланган реалистик драматургиянинг юзага келишда, учинчидан, дунё романчилиги тартибида ўзига хос ўзбек романчилиги мактабининг шаклланишда намоён бўлди. Ана шундай улкан адабий тараққиётда иштирок этган, нафақат иштирок этган балки унинг юз беришини таъминлаган улкан адиблардан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) бўлди.

У 20-йилларнинг бошларида "Муштум" журналида хизмат қилиб юрган кезларидаёқ ҳажвий ҳикоялар ёзар экан, ўзининг асосий маҳорат мактаби сифатида афанди латифалари, қизиқчилик ва масхарабозлик санъатини чуқур ўрганди, аския санъатидан нозик сўз ўйинлари, лоф ва муболағалардан ижодий фойдаланди. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, А.Қодирий ҳажв санъатининг нозик қирраларини, бир томондан фольклордан ўрганган бўлса, иккинчи томондан, рус ва бошқа халқлар адабиётидаги Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, М.Е.Салтиков Шchedрин, Собир Тоҳирзода каби мумтоз ҳажвчилар ижодидан ўрганди десак, янглишмаган бўламиз.

Реалистик ҳикоялар, фелъетонлар ёзишда ўз маҳоратини оширган адиб ҳажвий кулги яратишда характер кулгусининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда улканлигини англаб етди. Унинг "Тинч иш", "Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан", "Тошпўлат тажанг нима дейди?" каби асарларида ҳажвнинг халқона йўллари муваффақиятли истифода этилган эди. Уларда, адиб тўғри қайд этганидек, "шахсни ўз ҳаётидан, ўз хусусиятидан олиб, кулги ҳолига қўйишингиз керак. Яъни, сиз бу кулгиликни ясаган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қилсин. Токи ўқувчингизга эмас, кулгида қолган рақибингизнинг ўзи ҳам можаросиз сиз билан биргалашиб кулишмасликка мажбур бўлсин". Ушбу кўчирмада бир нукта киши диққатини ўзига кучли тортади. У ҳам бўлса,

ҳажвий кулгининг асослари реал инсон, реал воқеликда туғилиши каби фольклорга хос анъанадан иборат. Дикқат қилинса, Калвак Махзумга ўхшаган, ўзини улуғ зот ҳисоблайдиган шахсларнинг реал ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар билан келиша олмаслиги жуда ҳам ишонарли тасвирланган. Шариатни пеш қилиб, у дунё ҳақидаги ёлғон-яшиқларни тарғиб қилиб, бўш-баёв кишиларни қўрқитиб, янгича ишлаш ва яшашга қаршилиқ қилиш Калвак Махзум типига хос етакчи хусусият эди.

Адиб ҳажв яратишда фольклор анъаналарига содиқ қолиб, образнинг ташқи кўриниши ва руҳий дунёси ўртасидаги номуносибликка катга аҳамият қаратади. Шунинг учун А.Қодирий ҳажвий образнинг руҳий кечинмаларини табиий равишда ифодалашга ҳаракат қилган.

60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошлари ўзбек адабиётининг тараққиётига назар ташласак, ижодкорларнинг фольклорга муносабати фаоллашганлигини кўрамиз. Кейинги даврларда эса бу тамойилнинг янада кучайганлиги барчага аён. Айрим адиб ва шоирлар халқ эртак ва афсоналари асосида асарлар яратсалар, айрим ижодкорлар фольклордан қаҳрамонлар характерини тўлароқ шакллантириш, уларнинг характердаги айрим қирраларни бўрттириб кўрсатиш учун муҳим восита сифатида фойдалана бошладилар.

Ўзбек адабиётида Ғ.Ғулумдан кейин фольклорнинг ёзма адабиёт тараққиётидаги ўрнини намоиш этадиган адабий намунаи А.Мухтор яратди. Унинг "Чинор" романи ана шундай асарлар сирасига мансуб.

Роман босилиб чиқиши билан кўпгина мунозараларга сабаб бўлди. Атоқли адабиётшунос Ҳомил Ёқубов роман ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Адиб замонавий ҳаёт жараёнини мураккаблиги ва зиддиятлари билан реалистик акс этиришда, характерларни тасвирлаш ва инсон психологиясини таҳлил этишда, ички нозик туйғулар диалектикасини синчиклаб кузатишда шартли-романтик шакллар ва композицион усуллардан, ҳатто ҳаяжонли поэтик рамзлардан дадил фойдаланади. Бунда классик шарқ адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти афсона ва ривоятларнинг ранг-баранг шакллари ва қуйма архитектурони ташқи безак бўлиб қолмади, балки замонавий ҳаёт маънавий бойлигининг тарихий илдиэларини очишга, энг яхши халқчил ахлоқий фазилатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мангулигини кўрсатишга ҳам ёрдам берди. Давримизнинг муҳим проблемаларини, янги оламнинг чуқур инсонпарварлигини... психологик ахлоқий кечинмаларини, барқарор моддий ва маънавий фаровонликка интилишнинг ҳаётбахшлигини бадиий гавдалантириш учун ёзувчига чинор образини яратиш, кекса Очил бува ва унинг авлодининг характерини тадқиқ этиши жуда қўл келди".

"Чинор" романи ғоявий йўналиши, сюжет ва композицияси билан ҳам таждидий

(новатор) асар ҳисобланади. Чунки бу роман илғор адабий анъаналарини эслатувчи янги бир шаклда ёзилган. Чинор шохларидай ҳар томонга тарвақайлаб кетган қиссалар ҳозирги куннинг жонли воқелигини акс эттирса, унинг теран илдизлари ҳикоятлари яқин ўтмиш ҳақида, ривоятлар пилдираб учган япроқлар каби енгил, улар эпик романтика қанотида қадим афсоналарга бориб туташади. Нима бўлганда ҳам адиб қўллаган композицион усул воқеаларнинг бош қаҳрамонга олиб бориши, унинг кўрган-кечирганлари тартибида берилиши шарқ адабиёти, жумладан, "Минг бир кеча" қурилишида ҳам, ғарб эртакларида ҳам қўлланилган усуллардандир.

А.Мухтор романида воқеаларни Очил бувагина бошқариб турмайди; воқеалар тасвири муаллиф томонидан ҳам, бошқа персонажлар томонидан ҳам олиб борилади. Қолаверса, романдаги хронотоп ҳам фольклорга хос бўлиб, унда ягона вақт бирлигига риоя қилинмайди. Китобхон асарда келтирилган ривоятларда узок ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар билан, ҳикоятларда қаҳрамонларнинг ёшлиги билан, қиссаларда эса уларнинг ҳозирги ҳаётлари билан танишади. Шу тариқа А.Мухтор романи шакл жиҳатидан анъаналарни ўзида ижодий мужассамлаштирган янгича романдир.

Адиб фольклор анъаналаридан ниҳоятда ижодкорона фойдаланган. У келтирган олти ривоят, қисса ва ҳикоялар асарда тасвирланган воқеаларга эпиграф вазифасини бажаради. Бу нарсани ёзувчининг ўзи ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишича, бу ривоятлар айрим сюжет воқеаларига ёйиқ эпиграфлар вазифасини ўтаса, "Чинор" ҳақидаги ривоят эса бутун асарга эпиграфик вазифани ўтайди. Романнинг ғоявий йўналиши билан боғлиқ бу ривоят асарнинг бош қаҳрамони Очил бува характериға ҳам тегишлидир.

Роман Очил буванинг мамлакат бўйлаб қилган саёҳати олдидан чинор билан хайрлашиш эпизодидан бошланади. Ривоятларға кўра, чинор мингга кирган. Очил буванинг ёши 94 да. Очил буванинг ҳам, чинорнинг ҳам бақувватлигини, кучға тўлаллигини адиб қайта-қайта таъкиддаш орқали табиат мангудир деган фикрни ўтказади.

Романда келтирилган бошқа ривоятлардан фарқли бу ривоят асарнинг ғоявий йўналиши билангина боғланмасдан, балки асарнинг сюжетини яхлитлаштиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Очил бува образи эса ҳам ривоят персонажи, ҳам реал воқелик иштирокчиси сифатида асардаги романтик руҳни реалистик тасвирға сингдириб юборишға хизмат қилади. Бу нарса характерға эпик кенглик, халқчиллик бахш этади.

Мавзунинг долзарблиги. Адабиётнинг бош вазифаси инсон қалбига эзгуликка муҳаббат, ёвузлика нафрат уйғотишға қаратилган. Гўзаллик, адолат, тинчлик, осойишталик, бахт-саодат, яхшилик, мурувват, покизалик, фаровонлик, мустақиллик, эрк, озодликни адабиётда улуғланиб, уларға зид ҳодисаларнинг қораланиши бежиз эмас. бу

хол жуда қадим тарихга эга. Бизга етиб келган илк оғзаки ижод намуналари шундан далолат беради.

Фольклорнинг асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади. Қадимги дунё тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғридаги дастлабки фикрлари фольклор учун муҳмдир. Туркий халқларда фольклор намуналарини ёзиб олиш бўйича дастлабки тажрибалар XI асрдан бошаб кўзга ташланади. Бунга Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги фольклор материаллари мисол бўла олади. Шу билан бирга, ёзувчи ва шоирлар томонидан эртаклар, мифлар, афсона ва ривоятларни қайта ишлаш жарёни ҳам бошланди. XVIII ва XIX аср бошларида фольклорга нисбатан илмий қизиқишнинг кучайиши, халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш ва нашр этиш жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда уни чинакамига ўрганиш бошланди. Натижада Европа ва Россия фольклоршунослигида анча олдинга силжишлар бўла бошлади.

М.О.Авезов, М.К.Азадовский, Б.В.Асафев, А.М.Астахова, П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарипов, С.Ф.Ольденбург, В.Я.Пропп, Ю.М.Соколов ва бошқаларнинг асарлари фольклоршуносликни шаллантириш ва тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1917-1925 йиллар ўша давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларни изчиллик билан ўзлаштиришга интилиш, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва маиший турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш билан характерланади. Бунда Ғози Олим Ғулом Зафарий ва Элбекларнинг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб яна ҳам жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби атоқли достончилар майдонга чиқди. Биринчи марта улар ижро этган эпик асарлар тўла ёзиб олина бошлади. Халқ санъаткорларига ижодкор сифатид қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди. Бу ишда ўзбек фольклористикасининг асосчиси Ҳоди Зариповнинг дастлабки илмий ижоди салмоқли бўлди; ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустаҳкам илмий йўналишга эга бўла бошлади, унинг асоси яратила бошлади.

30-йилларда фольклоршуносликка Б.Каримов, Ш.Ражабов, М.Афзалов, М.Алавия каби иқтидорли олимлар келиб қўшилдилар. Бу даврда фольклор намуналарини нашр этишга алоҳида эътибор берилди.

70-йилларда ўзбек фольклоршунослигининг текшириш объекти янада кенгайди. Эътибордан четда қолиб кетаётган айрим фольклоржанрлари бўйича жиддий ишлар қилинди. Бу соҳада Т.Мирзаев, М.Алавия, З.хусаинова, Т.Ғозибоев, О.Собиров,

Ҳ.Раззоқов, Ж.Қобулниёзов, М.Саидов, М.Муродов, Ё.Жўраев, Р.Муҳаммадиев, Т.Очилов, Ғ.Жалолов, С.Асқаров, К.Имомов, Ғ.Жаҳонгиров, Б.саримсоқов ва бошқа олимлар самарали ижод қилдилар.

Маълумки, фольклорда халқнинг маънавий-ахлоқий дунёси, эътиқодий қарашлар тизими, маросим ва урф-одатлари, воқеликка бўлган эпик-эстетик муносабати, дунёқараши ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Ана шуларнинг барчаси яхлит ҳолда мужассамланиб, фольклор анъаналарини ташкил этади. Халқ ижодида шундай типлар яратилганки, улар исталган макон ва замон учун мос келишлари билан ажралиб турадилар. Ўзбек реалистик адабиёти вакиллари ўз асарларида ана шу анъаналардан қай даражада фойдаланганлиги ҳам адабиётшунослик учун долзарблик касб этади. Шу боис биз тадқиқотимизда Тоғай Мурод ижодида айтиш шундай масаланинг қай даражада амалга ошганлиги хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

XX асрнинг 70-80 йилларида фольклор асарларига мурожаат қилиш, кишилар ўртасидаги мураккаб муаммоларни ана шу асарларда ифодаланган донишмандона ечимлар билан таъминлашга интилиш тамойили кучайди. Мана шу жиҳатдан қаралса, Тоғай Мурод асарлари алоҳида диққатга лойиқ.

«Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди,-деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад.

Тоғай Мурод қиссалари соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасирланган одамларга бошқа халқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбеклиги билиниб туради. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўтиришмайди.

Шу вақтга қиёфаси ноаниқ, бири-биридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирсанг рус, қораўл папқ кийдирсанг озарбайжон, телпак кийдирсанг қозоқ, ёқасига кашта тикилган кўйлак кийдирсанг украин бўлиб кетаверадиган тахминий одамлар қиссаларимизнинг асосий қаҳрамонлари бўлиб келди. Бу ўз халқининг миллий урф-одатларини, ҳис-қувғуларини билмасликдан бўлди, сўқиркўнгиллик, сўқиркўзликдан бўлди.

«Биз Абдулла Қодирийни салкам етмиш йилдирки, бошимизга кўтариб келамиз. Бунга сабаб, Қодирий миллий қаҳрамонлар яратди. Отабек ҳам, Юсуфбек хожи ҳам, Офтоб оғим ҳам, Солиҳ Маҳдум ҳам асло такрорланмас образлардир. Бу кишилар тўғрисида Қодирий таъкидламаса ҳам ўзбеклигини биламиз.

Тургенев, Гоголь, Толстой рус халқини бутун бор бўйи билан тавирлаган буюк ижодкорлардир. Нехлюдовга дўппи кийдирсанг, Каренинага парнжи ёпинтирсанг, ўзбек бўлиб қолмайди. Толстой уни қон-қони билан, ўй-хаёллари билан, гап-сўзлари билан рус қилиб яратди.

Бундай асарлар яратиш учун адиб рассомдек рангларни бир-биридан фарк қиладиган, бастакордек товушларни тиниқ эшитадигн бўлиши керак.

Тоғай Мурод ана шундай рассом адибдир, ана шундай бастакор адибдир».¹

У ўз асарларида халқ оғзаки ижоди анъаналаридан фойдаланиб ажойиб образлар яратди. Мана, у «От кишнаган оқшом» қисасида отни қандай тасвирлайди;

«Биродарлар, ўзи, Бўз қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади. Борди-ю аждодида бўлса, тўққизда тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида Бўзнинг баданида холдай-холдай доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у Бўз эмас, тарлон от бўлади. Тарлон - хол-хол от! Тарлон - отлар сараси.

Биродарлар, тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади! Тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг тарлон ол!»²

Тоғай Мурод отни шундай таърифлайдики, адиб кўшиқ айтаётибди, деб ўйлайсиз. Адиб кўнгли китобхон кўнглига учиб ўтади. От миниб адирларда елдай учингиз, от ёлларини силагингиз келади.

«Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди. Темирнинг юраги йўқда! От одамга эга бўлади! Боиси, отнинг жони бор, юраги борда!»³

Тоғай Мурод тасвирлаган чавандозлар хиёнат кўчасига кирмаган, одамларга фақат яхшилик раво кўрадиган асл ўзбеклардир.

Тоғай Муроднинг Тарлони Толстойнинг Холстомери, Айтматовнинг Гулсариси каторига келиб қўшилди.

Тоғай Мурод ўз она тилини бениҳоя яхши билади. Билгандаям бутун ранглари билан, оҳанглари билан билади. Шу боис, соф ўзбекча битади.

Шарқнинг буюк дostonлари «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»лар, «Тоҳир ва Зухра»лар неча юз йиллардан бери яшаб келади. Уларда бир-бирига етишолмай, муҳаббат йўлида жон берган бахтсиз ошиқ-маъшуклар тасвирланади.

Тоғай Мурод ҳам дoston ёзди. Отини «Ойдинда юрган одамлар» қўйди.

Қисса номини ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сехрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингиз ажиб бир нур ўрмалаб киради. Дил-дилингизни ёритиб юборади.

Қиссада Қоплон билан Оймомо тунни тонгга, кунни ойга, ойни йилга лаб яшайди. Қоплон хотинини Момоси деса, Оймомо эрини Бобоси, деб чақиради. Улар йўқ боланинг бобоси, йўқ боланинг момоси бўлиб, йилларни йилларга улайди. Бир-бирига мўлтираб

¹ Саид Ашмад. Тоғай Муроднинг «ёши»лари. Тошкент, 1994 йил, 3-4 бетлар.

² Тоғай Мурод. От кишнаган ошом. Тошкент, 1994 йил, 108-бет.

³ Ёша китоб. 106-бет.

яшайди. Улар учрашишмаган доктор, улар кўринмаган табиб қолмайди. Момо на доктордан, на табибдан на кўради.

Тоғай Мурод чол-кампир ҳаётини ғоят нози, ғоят шоирона тасвирлайди. Чол-кампирнинг ўзаро меҳр-муҳаббатини қўшиқдек кулаб беради. Тоғай Мурод бир-бирини Бобоси, Момоси дея атаб умр ўтказаятган бир жуфт покиза инсонни ой нурига ўраб тасвирлайди. Оқибат ушбу жуфтнинг ўзига ҳам, сўзига ҳам, туриш-турмушига ҳам ойнанинг кумуш нурлари йўғрилиб кетади.

Адиб асарлари фольклор муносабатларининг ютуқларини намойиш этиш борасидаги янгича тажриба десак, янглишмаган бўламиз. Тоғай Мурод асарлари мавзунинг янгилиги, асарда қўйилган масаланинг замонавийлиги билан аҳамиятга моликлигидан ташқари реалистик прозада фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланишдаги ўзига хослиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, у халқ тилининг кенг имкониятларидан, мажозий тасвир ва ифодалардан шу даражада маҳорат билан фойдаланадики, китобхон асарнинг ичига кириб кетади. Хоҳ «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Момонинг ер қўшиғи» қиссалари ёки «Отамдан қолган далалар» романи бўлсин улардаги қаҳрамонларни севиб қолади.

Адиб замонавий ҳаёт жаранини мураккаблиги ва зиддитлари билан реалистик ак эттиришда, характерларни тасвирлаш ва инсон руҳиятини таҳлил этишда ички нозик туғулар диалетикасини синчиклаб кузатишда шартли романтик шакллар ва композицион усуллар, ҳатто ҳаяжонли поэтик рамзлардан дадил фойдаланади. Бунда мумтоз шарқ адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ранг-баранг шакллари ва қуйма архитектуроникаси ташқи безак бўлиб қолмади, балки замонавий ҳаёт маънавий бойлигининг тарихий илдизларини очишга, энг яхши халқчил ахлоқий фазилтларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мангулигини кўрсатишга ҳам ёрдам берди. Давримизнинг муҳим муаммоларини, янги оламнинг чуқур инсонпарварлигини, психологик ахлоқий кечинмаларини, барқарор моддий ва маънавий фаровонликка интилишнинг ҳаётбахшлигини гавдалантириши мақсадида турли характерларни яратди.

Тоғай Мурод асарларида фольклор анъаналаридан ниҳоятда ижодкорона фойдаланган. У келтирган ривоят, мақол, қўшиқ ва бошқа халқ оғзика ижоди намуналари асарнинг таъсирчанлигини ошириш ва халқчиллигини таъминлашга хизмат қилган. Тоғай Мурод ўз асарлари билан халқ оғзаки ижодианъаналарининг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмаслигини, улар ижодкор маҳорати билан боғлиқ ҳолда ҳамма вақт замонавий моҳияти касб этишлигини амалда исботлаб берди.

Тоғай Мурод асарларида фольклорга хос сюжетлар замонавийликни таъминлашда, асар асосига қўйилган адабиёт олдидаги долзарб масалаларини бадиий тадқиқ этишда катта роль ўйнайди. Мана шу нарсанинг ўзи ёзма адабиётда фольклор аъёналаридан ижодий фойдаланишнинг энг яхши намунаси эканлигини тасдиқлайди.

Тоғай Мурод асарлари халқ қўшиқларига ҳам, дoston ва эртакларига ҳам ўхшаб кетади. Адиб ишлатган мақоллар ижодкорни изоҳлаш учун хизмат қилган.

Ёзувчи қўллаган халқ тилига хос иборалар эса асарга узукка кўз қўйгандай мос тушган. Тоғай Мурод ижобий қаҳрамонларни Алпомишдай ботир, қўрқмас, Рустами Достонлар каби мард, жасур, адолатли шахлардай тадбиркор, зукко, донишманд қилиб тасвирлайди. Жамиятда ўз ўрнини тополмаган кишиларнинг ҳаётини ҳажв остига олар экан ўткир халқ юмори, халқ латифалари ва муболағали вазиятлар воситасида жонли ва таъсирчан қилиб тасвирлайди.

Тоғай Муроднинг халқ орасида юриб тўкилган иборалари, мақоллари муҳим воситалар сифатида вазифа адо этган. Адибнинг маҳорати шундаки, у ўзи яратган характерлар руҳиятини халқ тилининг имкониятлари асосида таъсирчан ёрита олган. Фольклорда синтез қилиш орқали фойдаланиш халқ ижодига мансуб сюжетларни қайта ишлашга қараганда анча мураккабдир. Тоғай Мурод ана шу мураккабликнинг уддасидан чиққан. Булар Тоғай Мурод ижодида фольклор аъёналаридан фойдаланишнинг ўзига хослигини, унинг айрим хусусиятларини махсус ўрганишни тақозо этади. Мазкур магистрлик диссертацияси бу йўлдаги дастлабки тажрибалардан бири деб қаралиши керак.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Тоғай Мурод асарларида фольклорга мурожаат қилинган ўринлар жуда кўп. Шунга биноан биз мақсадга эришиш учун магистрлик диссертациясида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни режалаштирдик:

- Тоғай Мурод асарларида фольклор аъёналаридан фойдаланишини кузатиш;
- адиб асарларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- адиб асарларида халқ ривоятлари, мақол ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш услублари ва уларнинг ёзувчи мақсадига йўналтирилганлиги масалалари;
- адибнинг бадиий маҳорати;

Тадқиқот манбалари. Илмий ишимизнинг объекти сифатида ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилларида бири Тоғай Мурод асарларини манба қилиб олдик. Шунингдек, адибнинг асарлари, ҳаёти ва ижоди юзасидан билдирилган адабий-назарий

қарашларни назарий жиҳатдан ўрганилди. Булар Тоғай Мурод асарларини, уларда фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланилганлигини тадқиқ этишга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишнинг методологик ва назарий асослари. Ушбу тадқиқотни бажаришда фольклоршуносликка оид илмий-назарий адабиётлар, О.Собиров, Ғ.Мўминов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов, О.Сафаров каби олимларнинг ишларига ҳам мурожаат этдик. 80-йиллар ўзбек насрчилиги муаммоларига бағишланиб эълон қилинган мақолалар, илмий-назарий фикрлар методологик асос бўлиб хизмат қилди. Тоғай Муроднинг адабий-эстетик қарашларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тоғай Мурод XX аср ўзбек адабиётида зига хос ўрин эгаллаган адиблардан. Ушбу магистрлик ишимиз Тоғай Мурод асарлари, фольклор анъаналари борасида бир қатор маълумотларни беради.. ана шулардан келиб чиқиб, ундан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда;
- Тоғай Мурод асарларини ўрганиш ва тадқиқ этишда;
- махсус курс ва семинарлар ўтказишда;
- мактаб, лицей ва коллежларда қўшимча дарсларда, китобхонлар анжумани ўтказишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Ушбу иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Тоғай Мурод - ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакили

Адабиёт пайдо бўлганидан бери эркка, хурлика, истиклолга ташна бўлиб яшаган ва яшамокда. Бу ташналигини қондирмоқ учун муттасил равишдан янгидан-янги булоқлар кўзини очишга, уларнинг шифобахш сувидан одамларни баҳраманд этишга ҳаракат қилади. Бу мўъжизакор оби ҳаётдан татиган киши ҳар қандай миллий, иркий, диний, ахлоқий ва бошқа турли чеклашлардан холи бўлиб, ҳаётда эмин-эркин яшаш истаги билан йўлдош бўлади, истагини рўёбга чиқармоқ учун амалий ҳаракатга киришади. Бу каби исёнкорлик ҳарактларини ўз саҳифаларида ифодалаб келган бадиий адабиёт ўз йўлида не-не тўсиқларга дуч келди, қанчадан-қанча эрк куйчилари қатли ом қилинди. Аммо улар ҳеч қачон истиклол орзусидан воз кечмадилар ва буюк мақсадларига эришиш йўлида курашни собитқадамлик билан давом эттирдилар.

Кўп минг йиллик узоқ тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти ҳам оллоҳ инъом этган ана шундай буюк неъмат - истиклол орзусидан бебаҳра эмас эди. адабиёт бу борада бир лаҳза бўлса тин олгани йўқ, ҳар нафас, ҳар дақиқа истиклол деб бонг уриб келмоқда. Шу ўринда кичик бир адабий фактни келтириб ўтишни лозим топдик. Улкан драматург ва олим Фитрат томонидан тузилиб, 1928 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиётининг намуналари»да қабилавий адабиётимиз ёдгорликларидан «Чистони Эликбек» ҳикояси келтирилган. Унда тасвирланишича, туркий қабилаларнинг бошига ўлат балоси ёғилади. Бу ўлатни ажиналар тарқатган эдилар. Халқ қирила бошлайди. Шунда қабила элбошчиси Эликбек ўз халқини ўлат офатидан сақлаб қолиш ниятида ажиналарни излаб йўлга отланади ва уларни топиб тенгсиз жангда ғолиб чиқади. Қабила бошлиғи Эликбекнинг жасорати туфайли халқ омон қолади.

Бу ҳикоя милoddан аввалги IV асрга оиддир. Кўринадики, ўзбек адабиёти ўзининг илк ёдгорликларидан бошлаб халқпарварлик, эрқпарварлик ғоясини илгари сурган.

Бинобарин, адабиётнинг эрк ва озодлик ғоясини ифодалаши узлуксиз жараён бўлиб, бу борада унинг бир лаҳза бўлсин сукут сақлашга мутлақо ҳаққи йўқдир. Мабодо у Салтиков Шчедрин таъбири билан айтганда «сукутга тилар экан, бу сукут халқнинг инқироzi билан барабар бўлади». Шунинг учун у доимо эрк қўнғироғини чалиб туришга бурчлидир. Бу қўнғироқ оҳанглари уйғониш садолари дейиш мумкин. Адабиёт ҳар қандай шароитда ҳам ўзи хизмат қилаётган халқни доимо ўзлигини англашга, қадр-қимматини эъозлашга, миллий уйғонишга, тафаккурини янгилашга чорлаб келган. Бу уйғониш садолари турли даврларда турлича оҳангларда гоҳ сокин, гоҳ кучли, гоҳ бўғиқ, гоҳ жарангдор бўлиб янграган. Қайсики даврда халқ муте, юрт исканжада бўлса, ўша

замонда уйғониш садоларининг авжи ҳам баланд бўлган. Чунки адабиёт ҳар доим зулмга, кабохатга, миллий шовинизмга, инсон ҳуқуқларининг камситилишига қарши чиққан.¹

Ўзбек адабиётида миллий уйғониш садоларининг XX аср бошларида, Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки ўн йилликда ғоят кучли жаранглаганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Чунки мустамлаачилар ўша пайтда халқни ҳаддан зид камситиш, хўрлаш, эксплуатация қилиш усулларини кучайтирган, миллий урф-одатларимизни оёқ ости қилаётган эдилар. Бу даврнинг улуғ санъаткорлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Абдулҳамид Чўлпонларнинг ҳар бири эрк ва мустақиллик бонгини бор кучи билан чалдилар. Истиклол ғояси мазкур ижодкорларнинг ҳар бир асарига сингиб кетганлигини кўрамиз. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романлари, Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари» драмаларда босқинчиларга қарши исёнкорли руҳи очик-ойдин ифодаланган.

Адабиёт тинмай чалаётган уйғониш садолари мазлум халқнинг илигини тўлдириши, фикрини кўзғатиши, қадди-бастини тиклашга кўмаклашиши табиий эди. совет тузуми эса бунга йўл қўйишни мутлақо истамас эди. шунинг учун ҳам таҳликага тушган ҳукумат исёнкор санъаткорларга қарши қатли ом ўтказди. Лекин уйғониш садолари эса ўлмади! Аксинча, бошқача шаклда, ўзгача оҳангда эркни қуйлашни давом этди. Чунки адабиёт ўлмаган эди.

70-йилларга келиб ўзбек адабиётида миллий уйғонишга чақириш садолари рамзий тисоллар орқали ифодалана бошлади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Бенгал шоири Назрул Ислон тилидан «Туғилгансан озод. Мангу озод бўлиб қол!» дея ҳайқирган бўлса, яна бир истеъдодли шоиримиз Абдулла Орипов ўша даврдаги коммунистик мафкуранинг коммунизм ҳақидаги фалсафаси қуруқ сафсатадан иборат бўлганлигини «Ҳангома» шеърида кўрсатиб беради. Иқтидорли шоир Омон Матчон эса бир кам қирқ афсонадан ташкил топган «Ҳаққуш қичқирғи» номли китобида бир бор «ҳақ» деб қичқириб ўтадиган ноёб қуш тимсоли орқали ўша пайтдаёқ миллий ғоянинг, миллий мафкуранинг рамзий образини кашф этган эди. унда «Ҳаққушни отиб оламан!» дея тунда ўқ узган нобакорларнинг қилмиши туфайли юртда нотинчлик бошланганлиги, аммо ҳаққуш барҳаёт бўлиб, у ҳамон халқни хушёрликка чақириб турганлигини, унинг ҳалокати бутун бир халқнинг инқироzi билан тенг эканлигини ифодалайди. Бинобарин, ҳар бир қалбнинг ўз ҳаққуши бўлмоғи шарт, токи у бизни бепарволик, лоқайдлик, жоҳиллик уйқусидан уйғотиб турсин!

¹ Ё.Солижонов. Умрбо=ийлик сирлари. «Жашон адабиёти», 2002, 4-сон, 130-бет.

Дунё адабиёти тарихига лоақал юзаки назар ташлаганимизда ҳам у ҳамisha кишилиқ жамияти ҳаётидаги катта ўзгариш ва эврилишларнинг акс-садоси бўлиб келганини кўрамиз. Ҳатто, аксинча, адабиёт, яъни маънавий аслаҳалар ўша ўзгариш ва эврилишларни тайёрлашда қатнашганлиги ҳам рашан. Шу маънода бизнинг истиқлолга эришувимиз адабитимизга икки тарафлама ёндашувлар учун имкон яратди. Биринчидан, истиқлол йўлидаги кураш ўтган асрда виждонли ҳар бир ўзбек адиби учун пинҳона бўлса-да, маънавий бурчга айланган эди. шу оғир муқаддас курашда не-не адиблар шаҳид кетганини ҳеч қачон унутмаймиз. Иккинчи жиҳат эса, қўлга киритилган истиқлол, мустақилли ва уни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш йўлида ижодкорларимиз бажараётган ишларнинг аҳамияти ва салмоғи хусусидадир.

Замонавий мавзунинг мураккаблигини адиблар кўпинча «тоғнинг маҳобати узокдан билинади» деган мақол билан хаспўшлашга уринадилар. Аслида қозоннинг ичида масаллиқ билан бирга қайнаб пишгани каби ёзувчи ҳам ўзи яшаб турган кунлар, замон ҳақида салмоқли гап айта олиши мумкин.¹ Бунинг учун эса адиб даврнинг бош йўналишини, «замона зайли»ни тўғри белгилай олиши керак. Шуни дадил айтишимиз мумкинки, бу соҳада самарали изланишлар бўлди ва бўлаётир. Чунончи, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Шароф Бошбеков сингари адиблар, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Маъруф Жалил, Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Қутлибека, Мирпўлат Мирзо, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Тўлан Низом, Хосият Рустамова каби шоирлар ижоди фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Ҳозирги адабиёт амал, мансаб, бойлиқ бандаларини эмас, Ватаннинг бир кафт тупроғини муқаддас билгувчи фидоийларни улуғлашни ўз олдига улуғ мақсад қилиб қўйган. Шу нуқтаи назардан мустақилли йиллари адабиётида дунёга келган асарларга эътибор берсак, уларнинг аксарияти мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, кадриятларимизни асраш ва эъзозлашга, истиқлол медалари таъмининг янада тотлироқ бўлишига одамларни ишонтиришга, шу йўллар билан одамлар қалбига миллий ғоя ва миллий мафкуранинг асосий йўналишларини сингдиришга уринаётганини кўрамиз.

Тоғай Мурод ана шундай ажойиб ва бетакрор асарлар яратган иқтидорли адиблардан. Тоғай Мурод (Менгноров) ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир. У 1948 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги 43-ўрта мактабни 1966 йилда тугатиб, ўша йили Тошкент Давлат дорилфунунининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетига ўқишга кирган. У

¹ А.Орипов. Адабиёт ва замон. «Жашон адабиёти», 2006, 6-сон, 4-бет.

талабалик йилларидаёқ ўзининг муаммоли мақолалари, ҳикоялари билан кўпчилик эътиборига тушади.

1972 йилда университетни муваффақиятли тамомлаб, республика радиоси «Ватанпарвар» таҳририясида бўлим муҳаррири бўлиб 1976 йилгача хизмат қилган. Ўтган тўрт йил мобайнида таҳририят эшиттиришларини сифатини яхшилаш борасида жон куйдирди. Ватан, миллий ғурур ҳақида ҳикоя қилувчи ўнлаб эшиттиришларга муаллифлик қилди.

Тоғай Мурод 1974-1975 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. 1976-1978 йилларда эса «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида таржимон, 1982-1984 йилларда «Фан ва турмуш» журнасида бўлим муҳаррири бўлиб ишлади. 1985-1987 йилларда Москвада М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти олийгоҳида таҳсил олиб қайтди. Жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишиш Тоғай Мурод учун ҳаёт мактаби бўлди.

Ёзувчи ўз ижодини 1976 йили «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан бошлади. Бу қисса ўзбек адабиётига туғма истеъдод эгаси кириб келаётганлигидан дарак берди. Қиссада Бўри полвон, Тиловберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий кураши бадиий ифодасини топди. Бу асар ҳақида атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад қуйидагиларни ёзган:

«Мен Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Бўри полвон, Тиловберди полвон, Абил полвонларнинг курашларини завқ-шавқ билан томоша қилдим. Сурхон полвонларининг ҳалолликлари, мард, тантиликларини кўриб ғурурланиб кетдим. Ана, ўзбек полвонлари, ана, дея ғурурландим».

Тоғай Мурод тасвирлаган Сурхон полвонлари чинакам ўзбек полвонларидир.

Ёзувчининг 1976 йили чоп этилган «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси адибнинггина эмас, ўзбек миллий адабиётининг ноёб намунаси бўлди. Тоғай Муроднинг 1985 йили битилган «Момо Ер қўшиғи» қиссаси ўз ғояси, адабий йўналиши билан ўзга қўшиқ-қиссаларидан ажралиб туради. Қиссада миллий заминдан оёғи узилган, Ватан тупроғида яшаб, юрагида юрт туйғуси бўлмаган 80 йиллар мафкура қурбонлари «қаҳрамонлари» образлари Ғарб адабиёти сиғинди бандаси бўлиб қолган ижодкор мисолида ўзбекона ҳикоя билан тасвир этилади.

Тоғай Мурод тинмай ижод қилиши, янги-янги асарлар битиши мумкин эди. афсуски, бевақт ўлим уни орамиздан жуда эрта олиб кетди. Лекин Тоғай Мурод ўзининг мана шу қисқа умрида асарларга татигулик асарлар ёзиб қолдирди. У фольклор анъаналаридан фойдаланиб бири-бирдан гўзал асарлар яратди, ўзбек адабиётини дунёга танитди.

Тоғай Мурод қалами ўткир ёзувчигина эмас, истеъдодли таржимон ҳам эди. у 1974-1975 йилларда Ж.Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва кўпгина ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирди. 1989 йилда Э.Сетон-Томпсоннинг ҳайвонлар ҳақидаги машҳур «Ёввойи йўрға» китобини маҳорат билан таржима қилди.

Хуллас, Тоғай Мурод XX аср ўзбек миллий адабиётининг энг истеъдодли вакили сифатида майдонга чиқди ва ўзининг ажойиб асарлари билан мухлислар қалбидан жой олди.

II боб. Халқ донишмандчилиги сарчашмалари

Дунёнинг илғор адабиётлари қаторида ўзбек адабиёти ривожда фольклор аъёнларининг ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёс даражада катта. Барча халқлар адабиётига назар солинса, доно ижодкорлар асарларида халқ оғзаки ижодининг таъсири кучли бўлганлигини, фольклор аъёнлари ёзувчиларга эстетик идеалини бойитишда битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Шу боис улкан сўз санъаткорлари халқ ижодиётини тенгсиз бадий хазина сифатида баҳоладилар ва ундан ижодий фойдаланишга интилдилар.

Агар адабиётимизнинг тарихига назар солинса, XXI асрда яратилган Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан тортиб ҳозирги адибу шоирларимизга қадар фольклор барҳаёт аъёнларидан ҳамиша унумли фойдаланганликларига ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқий сўз санъаткорлари халқ ижодига, унинг битмас-туганмас аъёнларига маҳорат мактаби, бадий ижоднинг сарчашмаси сифатида ёндошадилар ва ундан ижодий фойдаланишга интиладилар.

«Маълумки, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати ўз ичига ижодкор асаридаги оддий фольклоризмдан тортиб ижодий метод муносабати, халқчиллик, миллийлик ва байналминаллик, ижодкорнинг фольклордан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуллари, у ёки бу санъаткор маҳорати йўналиши ва унда фольклор аъёнларининг таъсири каби масалалар билан биргаликда бадий шакл соҳасидаги ўзаро таъсир масалаларигача қамраб олган».¹

«Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари масаласи тадқиқ этилар экан, тарихийлик тамойилларига амал қилишни унутмаслик керак. Чунки биринчидан, ушбу тамойил исталган сўз санъаткори ижодидаги фольклор аъёнларининг ўрни, уларнинг муайян адиб ёки шоир ижодида ривожлантирилганлиги аниқ тарихий давр нуқтаи назардан, қолаверса индивидуал ижодкор маҳорати нуқтаи назаридан тўғри, объектив

¹ Саримсо=ов Б. Фольклор ва ызбек адабиёти муносабатларига доир изланишлар. «Ызбек тили ва адабиёти», 1976, 5-сон, 85-87 бетлар.

ёритилишига имкон берса, иккинчидан, фольклор ва адабиёт муносабати ниқоби остида сўзни куруқ олиб қочишдан тадқиқотчини сақлайди, айти пайтда, уни бу мураккаб масалада аниқ факт асосида фикрлашга ундайди».¹

Фольклордан ижодий фойдаланиш кўпинча синтез характериға эға бўлади. Чунки бадиий асардаги фольклор унсури шу асарнинг барча компонентлари билан ўта даражада бирикиб кетадики, уни ташқи томондан ажратиб олиш мумкин бўлса ҳам бироқ мазмун жиҳатдан алоҳида ажратиб бўлмайди. Демак, фольклорға хос анъаналарнинг бадиий адабиётдаги ўрни ижодий қайта ишланиш орқали белгиланадики, улар ёзма бадиий асарнинг зарур таркибий қисмиға айланиб кетадилар. Машҳур адиб Чингиз Айтматов ўз мақолаларидан бирида бу ҳақда махсус тўхталиб шундай ёзади:

«Мен ҳамиша эпос ҳақида фикр юритаман. Бу халқ донишмандлигининг ўта мураккаб, кўп қиррали тажассумидир, лекин мен эпосни ўз асарларимда шунчаки эмас, балки уни ўзлаштирган ҳолда киритаман».²

Албатта, ўзининг ғоявий нияти ва мақсадига қараб ижодкор фольклор анъаналарига турлича муносабатда бўлади. Чунки у бир ўринда фольклор материални шаклан ўзгартирмай айнан қўлласа, бошқа бир ўринда уни шу даражада қайта ишлаб, асарнинг руҳига сингдириб юборадики, кўп ҳолларда, бундай фольклоризмни алоҳидалаб олиш ҳам мумкин бўлмай қолади.

Ҳозирги адабий жараёнда ҳам фольклор анъаналарига қизиқиш, унинг кенг бадиий имкониятларидан ижодий фойдаланиш заррача сусайган эмас. аксинча, ҳозирги адабий жараёнда фольклор анъаналарининг умрбоқий имкониятларидан, юмористик ва ҳажвий кулги орқали фош этиш санъатидан ижодкорлар унумли фойдаланишға ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу томондан келиб чиқиб, адабиётшунослар турли миллий адабиёт вакилларининг фольклорға кенг мурожаат этишларини ҳозирги адабиётни ривожлантирувчи етакчи тамойиллардан бири сифатида баҳоламоқдалар.

XX аср ўзбек адабиётида Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Собир Абдулла, Комил Яшин, Туроб Тўла, Қуддус Муҳаммадий сингари намоёндалари халқ оғзаки ижодидан тажидий фойдаланганликлари ҳеч кимға сир эмас. Бизнинг магистрлик диссертациямизда олдимизға қўйган мақсадимиз Тоғай Мурод асарларида фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланишдаги ўзига хосликларни батафсил таҳлил қилиш ва бу муносабатларнинг истиқболли жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

¹ С.Мирзаева. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. Т., 2005, 6-бет.

² Айтматов Ч. Точка присоединения. Вопросы литературы. М., 1976. №*. С.156.

Тоғай Мурод халқ оғзаки ижодига хос воқеликни акс эттириш, инсон маънавий оламини очиш усулларида ўринли, ижодий фойдалана олган.

Тоғай Муроднинг фольклор анъаналаридан, хусусан, типлар анаъанаси, ғоялар анъанасидан ижодий фойдаланганлиги унинг бир қатор асарларида намоён бўлади. У ўз асарларида халқ эртаклари, дostonлари, аскиялари, қочиримлари, қўшиқ ва мақолларидан ижодий фойдаланибгина қолмай, ўзи ҳам халқ ибора ва мақолларига ўхшаган ҳикматли иборалар, пишиқ, лўнда ва ихчам жумлаларни қўллади.

Тоғай Мурод тип, характер яратиш, ўткир конфликт ва ихчам сюжет туза олиш каби хусусиятларни пухта ўзлаштириб олган эди. Қолаверса, у халқ эртакларига хос содда, ихчам тасвир ҳамда ифода воситаларидан ижодий озиқланиб қиссалар ёзди.

Тоғай мурод 1986-1992 йиллар давомида ўзининг илк романи «Отамдан қолган далалар» асарини битди. «Отамдан қолган далалар» - рамзий роман. Унда бутун умр кетмон чопиб, мустамлака юртда косаси оқармай келган ўзбек халқи сиймоси Дехқонқул образи тимсолида тасвир этилади.

Шу ўринда икки оғиз збек романи ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ўзбек романи бир асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Саъдулла Сиёев, Муҳаммад Али, Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Баҳодир Мурод Али, Аббос Саид каби ёзувчиларимиз яратган бадиий маҳорат мактабида шаклланди, бадиий ижод сарчашмаларидан баҳраманд бўлди.

Биз мустақиллик даври романчилиги деб юритаётган давр - Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган пайтдан бошланган даврни ўз ичига олади.

Мустақиллик даври романчилигининг ўтган даврдаги тарихига назар солар эканмиз, қолипга тушган бадиий меъёрлардан воз кечиш ёзувчиларимиз учун нечоғли қийин кечаётганлигини кўрамиз.

Роман тараққиёти - ҳар бир миллатнинг бадиий-эстетик тафаккури даражасини билдирар экан, шунинг учун ҳам мустақиллик даври романчилиги айнан шу дарвда яратилган романлар нуқтаи назаридан баҳо берамиз.

Пиримқул Қодировнинг «Ҳумоюн ва Акбар», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур», Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар», Мирмуҳсиннинг «Турон маликаси» каби тарихий романларида тарих ва тарихий қаҳрамонлар бадиий талкин этилса, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», «Динозавр», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Мурод Мансурнинг «Жудолик диёри», Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё», Омон

Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Тепаликдаги хароба», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой», Тўхтамурод Рустамнинг «Капалаклар ўйини» каби романлари ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-психологик асарлар сирасига мансуб.

Ўтиш даври муаммолари каналик мураккаб, зиддиятли бўлмасин, тобора изчилланаётган янги ижтимоий-фалсафий теранлик жамиятимиз бадиий эстетик тафаккурининг ижтимоий-бадиий тамойиллари таъсирида шаклланаётгани кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан истиқлол даври адабиётининг илк қалдирғочи сифатида парвоз қилган Тоғай Муроднинг «отамдан қолган далалар» романи ибратлидир. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси Ўзбекистон Республикасига» бағишланган бу ромнада халқимизнинг 130 йилдан зиёд давом этган рус мустамлакачилиги давридаги оғир ҳаёти, кураши тасвирланган. Биринчи авлод фарғоналик Жамолиддин кетмон бўлиб, юрти кофирлар томонидан забт этилиб, ерлари макрух бўлгач, Денов томонларга бош олиб кетади. Иккинчи авлод унинг ўғли Ақраб Сурхон воҳасида қизил қўшинга қарши кураш олиб боради ва ўз ҳамқишлоқларининг сотқинлиги оқибатида ҳалок бўлади. Кейинчалик Ватаннинг озодлиги учун жон берган инсон сифатида унинг исмига «шаҳид» сўзини қўшиб айтадилар. Кўп саҳифалар ана шу Ақраб шаҳиднинг биттаю битта ўғли, садоқатли совет фуқароси Дехқонқул ҳаёти ва турмушини ифодалашга ажратилган. Асар воқеалари ҳам ана шу қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади.

Истиқлол халқимиз орзиқиб кутган тақдир бўлгани сабабли, истибдод туб моҳияти бадиий образлар орқали очиб берилган. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи қизгин ва самимий кутиб олинди. Аслида романнинг салоҳияти нафақат унда кўтарилган ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг долзарблигида, балки роман поэтикасининг теранлигида ҳамдир. Ёзувчи қўллаган баён услуби қаҳрамон «мен»ида олиб борилиши роман қаҳрамони Дехқонқул ҳаётининг нафақат индивидуал-субъектив тасвири, балки истибдод натижасида маҳкум инсонлар тақдирининг бадиий-типологик талқини ҳамдир. Қаҳрамон «мен»и бошидан кечирганларини шунчаки ҳикоя қилмайди, у мушоҳада юргизади, аянчли ҳаётининг сабаб ва моҳиятини излайди, ўзига баҳо беради, умумлаштиради, ўзини манкуртликка олиб келган кечмиши ҳақида хулоса чиқаради. У ўзини оддий одам сифатида таниши, тан олиши, хўрликнинг энг юқори нуқтасида кечади. Қаҳрамоннинг фалсафий-психологик мушоҳадаси теранлашгани сайин романга жалб этилган мавзу моҳияти очиб берилади. Дехқонқул - рамзий исм, у бутун бир ўзбек миллати тимсоли, ҳатто далалар Ватан рамзи. Ёзувчининг бадиий маҳорати шундаки,

Дехқонкул тисолида нафақат бир миллат тақдири, балки истибдод исканжасида бўлмиш барча халқлар кечмиши бадиий жонлантириб берилади.

Ижтимоий-публицистик услубда битилган бу романда Дехқонкулнинг ота-оналари, ўзининг оиласи бошига тушган чексиз фожиалардан хабардор бўламиз. Бутун умрини мафкуранинг тазйиқлари остида ўтказган, аммо косаси оқармаган Дехқонкул «пахта иши» муносабати билан қамоққа олиниб 8 йилга кесилганда ҳам ўз оиласи, онаси, бола-чақаси билан эмас, шўр босган, оғуланган даласи билан хайрлашувга боради. Унга дил розини айтар экан, «Мен қайтаман бағринга, албатта, қайтаман. Тупканинг тагидан бўлса-да, қайтиб келаман!» деб ваъда беради.

Ёзувчи маҳорати романнинг тил баёнида ҳам мукаммал намоён бўлади. Сажияда ифодаланган баён услуби, насрий тасвирнинг поэтик талқин билан уйғунлашиб берилиш романда метафорик образлилик билан берилган бўлиб, улар рамз даражасига кўтарилган. Мутеликнинг ҳатто фарзандларига исм берилишида намоён бўлиши, қизил ранг қон ранги, бешикка битилган битиклар - истибдодга қарши исён ёки келажакка бўлган умид каби рамзий маънога эга ифодалар романда кўплаб учрайди.

Шунингдек романда халқ мақоллари ва иборалар, аския, сўз ўйинлари ҳам берилган. Улар асарнинг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилган. Булар Тоғай Муроднинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан яхши хабардор бўлганлигининг ёрқин исботидир. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш борасидаги ўзига хос услубни Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида ҳам кўриш мумкин.

Қисса жарчининг қуйидаги сўзлари билан бошланади:

-Одамлару одамлар, тоғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар! Бугун ҳа-а-амма Зулфиқор полвонникига суннат тўйига, ҳе-е-е-ей! Чў, жонивор!¹

Бу худди эртаклардаги шоҳларнинг жарчига жар солдиришига ўхшаб кетади. Қиссада халқимизнинг суннат тўйи қилиш одати, тўйни ўтказиш тартиби, болаларнинг тўда-тўда бўлиб, ёнғоқ, ошиқ, шумшак, кулоқ чўзма, дўл, ғирбойда, чиллак, зувиллатар ўйинларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Булар адибни халқимизнинг урф-одатларини яхши билишини, уларни қадрлашини кўрсатиб турибди.

Қиссада болалар ўйини, уларнинг айримларини қандай ўйнаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мана, Тоғай Мурод тасвирлаган яшинмачоқ ўйинини олиб кўрайлик:

«Беш-олти бола жам бўлди. Бир уй ичида ерни айлана қилиб чизди. Айланани гир деб атади.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган ошом. +иссалар. Т., 1994, 7-бет.

Болалар бир сонни белгилаб олди. Бирови болаларни уч айлантриб санади.
Мўлжалдаги сонга тушмиш бола гирда қолди.

У гир ичида энгашди. Кўзларини қўллари билан яшириб турди.

Болалар ҳар тарафга сочилиб яширинди.

Гирда қолгани уларни излади. Гирдан-да огоҳ бўлди.

Кимда-ким унинг кўзини шамғалат қилиб, эпчиллик билан гирга чопиб кирса, шу
ғолиб саналади.

У аёллар орасида бир бола мўралаб турганини сезиб қолди. Шу болани давра
айлантриб қувди.

Бола гирга қочиб қўлга тушди.

Бу орада бошқа болалар гирга тўпланди.

Энди қўлга тушган бола гирда қолди. Болаларни излади.

Бу яшинмачоқ ўйини бўлди».¹

Юқоридаги сатрларни ўқиган китобхон кўз олдида яшинмачоқ ўйнатган болалар
гавдаланади. Булар Тоғай Муроднинг халқ ўйинларини яхши билганлигини кўрсатади.
Адиб фольклор асарларининг умумий руҳидан илҳом олиб, ўзи яратган образлар хатти-
ҳаракатида, уларнинг фаолиятини тасирлашда оилавий-маиший муҳит, халқнинг урф-
одатлари ва маросимларидан озиқланиб ижод қилганлигини суннат тўйи тасвири, болалар
ўйини, аёллар базмида чангқовуз чалиш тасвирида кўришимиз мумкин. «Биёв-биёв-биёв!»
деб чалинаётган чангқовуз садолари остида ўйнаётган давра қатнашчилари ҳақида Тоғай
Мурод қуйидаги сатрларни битади: «Бир қиз олов гирдида бармоқларини қирсиллатиб-
қирсиллатиб, чангқовуз нағмаларига хиром этди.

Даврада иккита гўзал эшилиб-эшилиб ўйнади, тўлғаниб-тўлғаниб ўйнади: бири
олов бўлди, бири қиз бўлди!»¹

Албатта, Тоғай Муроднинг фольклор анъаналарига муносабати бевосита эмас,
балки билвосита сажияга эга. Ана шунда ҳам ўзи яратган образларнинг реалитик
киёфасини ишонарли акс эттиришда, қисса конфликтини ҳаётий асосларда
ривожлантириш ва ҳал этишда халқ оғзаки ижоди анъаналарига мурожаат этди. Бошқача
қилиб айтганда, Тоғай Муроднинг фольклор анъаналаридан фойдаланиши синтезлаш
асосида амалга ошди.

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссасига диққат билан ёндошилса, унда халқ ҳаётига
оид лавҳалар, фольклорга хос халқ полвонларига хос образларни ўз асари таркибига

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 9-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 9-бет.

сингдирб юборганлиги сезилиб туради. Биз буни болалар ўйини ва аёллар базми асар таркибига моҳирона сингдириб юборилганлигининг ёрқин гувоҳи бўлдик.

Тоғай Мурод қиссада маиший-психологик тасвирга мойиллик билдиради. Шу боис асардаги фольклор анъаналари ҳам мана шу нуқтаи назардан истифода этилган. Адиб ўз асарида вазият ва тасвир талаби билан фольклор анъаналарига ёндашади, уларни танлаб, саралаб ишлатади. Шу жиҳатдан Тоғай Муроднинг фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланиб яратган халқчил образлари ниҳоятда ёрқин бўёқларда тасвирланган. Чунончи, Бўри полвон образини олиб кўрайлик. У халқ эртақларидаги афсонавий қаҳрамонларга ўхшаб кетади: Бўри полвон мард, ҳалол ва ҳақиқат учун курашувчи, халқ учун ҳар қандай хизматга тайёр турган қаҳрамон. Адиб Бўри полвон образини меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди. У Бўри полвоннинг софдил, ҳамиятли, ҳалол одам эканлигини намойиш этишга астойдил ҳаракат қилади. Бўри полвон табиатан болажон. У болалар ҳам полвон бўлиб улғайишини истайди. Шунинг учун Бўри полвон курашга тушган болалар давра айланганда ўнгга эмас, чаппа тарафдан айланишиб кулгу бўлганда уларга танбех бўлмайди, аксинча шундай деб ҳимоя қилади:

-Эб-эй, эб-эй! Манави тарафдан айланинглар! Кулманг, халойиқ, полвонлар ғайратига чидай олмай, шошиб қолди, ҳа! Полвон шуйтиб-шуйтиб-шуйтиб полвон бўлади-да!¹

Бўри полвонни ориятли дедик. У тартибсизликни ёқтирмайди. У Денов полвонларининг кураги ерга тегишини хоҳламайди. Лекин ўз кучига ортиқча баҳо ҳам бериб юбормайди. Доим халқига суянади. қуйидаги парчага эътиборни қаратайлик:

Бўри полвон қишлоқ полвонларини излади. Улар ҳар ерда сочилиб ўтирди.

Бўри полвон ачиниш билан шуни ҳис этдики... инсон қанчалик одил бўлсин, қанчалик танти бўлсин, барибир... барибир ўз юрти, ўз элига тортар экан...

У даврандан чиқди. Оқсоқоллардан Амир полвонни тирсагидан четга тортди.

-Полвонларинг ҳар ерда ўтлаб юрибди, бу нима ўтириш?-деди. -Менга қара, зўр-зўрларини бир ерга йиғ. Шўрчиликлар кенти... Тушундингми? Ўзинг бош бўл. Қурга тартиб билан чиқар. Шошма, етти ўлчаб, бир кес. Шўрчиликларнинг ўнги-чапига эътибор қил. Қайтариб айтаман, фақат шўрчиликларга кўз тикинглар. Бинойими?²

Бўри полвон ана шундай виждонли, ор-номусли полвон. Ҳақиқий дўст. Бу унинг Насимполвон билан дўстлигида яққол намоён бўлади. Боиси Насимполвон номардлик қилиб Бўриполвон севган Момоқизга ўзи уйланади. Момоқизга Бўриполвоннинг севгиси

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 13-бет.

² Ёша китоб, 17-бет.

хақида гапирмайди. Қизни ва Бўри полвонни алдайди ва Момоқизга ўзи уйланади. Лекин Насимполвоннинг иши юришмайди. У бир ерда қўним топиб ишламайди ва буни Бўри полвондан кўриб: «Бунинг ҳаммаси Бўрининг иши» деб қишлоқдан кўчиб кетади. Бўри полвон севгисини ичида сақлаб юради ва Момоқизни унутолмайди. Шунинг учун «дунё кўзига тор кўринар бўлди. Кўнгли ўксир бўлди. Оқибат Момоқизни ўйлама бўлди. Момоқизни тилга олинса, эшитмас бўлди. Индамай туриб кетар бўлди. Бошқа нима қилсин, Момоқиз энди бировлар аёли бўлди».¹

Бўриполвоннинг ҳаётдаги қарашлари эса шундай. У ўзи билан ўзи гаплашиб шундай дейди:

«Биз полвонлик мактабида ўқимадик. Полвонлик бизга отамерос. Пуштдан-пуштга ўтиб келяпти.

Полвонликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунтириб бўлмас шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвонлик қони борларгина билади. Биз биламиз!

Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ!

Мана, менинг ўзим. Сурхон воҳасида мендан йиқилмаган полвоннинг ўзи йўқ! Ўша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғринимдан ошиб кетади!

Халқ нимаси билан халқ?

Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ!

Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қилиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тикиб қолдик.

Шундай кетаберсак, ҳадемай.... ўзимизни-да бой бериб қўямиз!

Буёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб йўқ қилдик. Хиёл бўлмаса, халқнинг ўзини-да... эскилик сарқитига чиқариб юборайин, дедик!

Бугун буни йўқотаберсак, эртага уни йўқотаберсак, адирдаги... подадан нима фарқимиз қолади».¹

Бўриполвон ана шундай чапанироқлиги, кесин ва тўғрисиқлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бўриполвон эртақларда халқ орзу қилган адолатли шоҳ тимсолига ўхшайди. Раис урилиб, ишдан кетгач, халқ унга ишонч билдириб, хўжаликка раис бўлади.

Бўриполвон жуда содда, халқ латифаларидаги афандига ўхшаб ҳам кетади. Унинг онаси вафот этгач, бир ҳафта ўтгач, онасининг қабрига борса, қабр бошида оппоқ мармар

¹ То'ай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 40-41-бет.

¹ То'ай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 43-бет.

сағана кўради. Ўз кўзларига ишонма сағананинг у ёғига ўтиб қаради, бу ёғига ўтиб қарайди, «сағанани ушлаб-ушлаб кўрди, силаб-силаб кўрди».

Қишлоққа қайтгач, буни оғайнилари қилган бўлса керак деб ўйлайди. Лекин ларда ўзгариш сезилмайди. Орадан икки ҳафта ўтиб қабристонга келса:

Бу сафар ҳаминқадар ҳайрон бўлди!

Онаси қабри тевараги... мармар тоштахта бўлди! Мармар тоштахта тўшалмиш жой уй ичича келди! Мармар тоштахта офтобда ялт-ялт этди!

Бўриполвон ялтироқ мармар тоштахта узра оёқ босишинида ва босмашинида билмади. Босайин деса, мармар тоштахтани кўзи қиймади. Босмайин деса, онаси қабри мармар тоштахта қоқ ўртасида бўлди.

Бўриполвон этикларини ерга тепиб-тепиб қокди. Мармар тоштахта узра оёқ учида юрди. Омонат-омонат юрди. Тағин кир қилиб қўймадимми, демишдай изига қараб-қараб юрди.

Бир амаллаб, онаси қабрига етиб борди. Қабр бошида тиззалаб ўтириб фотиҳа ўкиди. Оёқлари остида тўшалмиш мармар тоштахтани силади».¹

Ушбу сатрларни ўқиган китобхон Бўриполвоннинг соддалигидан кулади. Лекин бу кулги самимий кулги.

Хуллас, Бўриполвон сағанани ким қурдирганини билолмай «дарди ичида бўлди». Бу боради миқ этолмади, оғиз очолмади. Бу сағанани эски раис ўрнатган эди. Қурбон хайит муносабати билан Бўриполвон онасининг қабри ёнида куймаланиб юрган эски раисни кўриб воқеадан хабардор бўлади. Сағана баҳона суҳбатлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туриб, Бўриполвон эски раисни ферма мудир қилиб олишга сўз беради. Эски раис ферма мудир бўлди. Одамлар норози бўлади. Ана шунда Бўриполвоннинг кўзи очилади. Бир оқшом кетмон кўтариб қабристонга боради. Мармар тахталарни қўпориб ташламоқчи бўлади. Сўнг шайтонга ҳай беради.

Ё алҳазар! Қабристонга қўл теккизиб бўладими? Қабрни бузиб бўладими?

Бўриполвон онаси қабрига тикилиб-тикилиб турди... ниятидан қайтди...

«Бўлар иш бўлди,- деди. -уккиғар наҳс боплади. Боплаганда-да, улай-булай бопламади. Энди бировга айтиб қўймаса бўлди».²

Ушбу тасвирларда бу Бўриполвоннинг яна ҳам соддалигини кўрамыз. Унинг ишонувчанлиги панд берганидан унга ачинамиз. Тоғай Мурод қиссасида халқ ҳажвиётининг тарих қирраларидан ижодий фойдаланиб, ижобий характер яратишнинг

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 69-бет.

² Ёша китоб, 69-бет.

янги имкониятларини ишга солади. Адиб анъанавий образ билан соф индивидуал образни умумлаштириб, янги синтактик образ яратади.

Тоғай Мурод қиссасида реал воқеликни тўлақонли акс этириш учун халқ оғзаки ижодиға, чунончи, халқ кўшиқларига ҳам мурожаат этади. «Одатда кўшиқларда айрим шахснинг ҳис-ҳаяжони, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса ҳам, уларда меҳнаткаш омманинг ички руҳий кечинмалари, тирикчилиги, яшаш учун кураши, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунёқараши акс этирилади. Бу фикр ва қарашлар чуқур умумлашмалилик хусусиятига эга бўлганидан оғизга-оғизга кўчиб, сайқал топади. Бундай кўшиқларни меҳнаткаш омма тарихининг солномаси, ҳаётининг йўлдоши деб билиш мумкин».¹

Меҳнат кўшиқлари мазмунан деҳқончилик, боғ ва боғдорчилик, чорвачилик, овчилик, ҳунармандчилик ва бошқа касбларга хос хусусиятларни акс эттиради. Меҳнат турлари хилма-хил бўлганидек, меҳнат кўшиқлари ҳам турли-тумандир. Деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқларига кўшчи, ўрим, хирмон янчиш, ёрғичоқ кўшиқлари киради. Тоғай Мурод ўз қиссасида ана шундай кўшиқлардан шам фойдаланган. Адибнинг маҳорати шундаки, у айнан буғдой ўрим-йиғими билан боғлиқ воқеаларни тасвирлашда кўшиқдан фойдаланган.:

Бўри тишларини тишларига қаттиқ босди. Гавран билан ҳўкизлар сағрисига сукди. Бор овози билан кўшиқ бошлади.

Йўртиб-кйўртиб ҳайдагин-а, майда-ё, майда-ё,
Дон-сомондан арисин-а, майда-ё, майда-ё,
Айни сахар бўлганда-ё, майда-ё, майда-ё,
Хўжайин Ҳизр дорисин-а, майда-ё, майда-ё.

Хўкизлар қадамидан чуқур из қолди. Сомон тагидаги буғдой ғижир-ғижир этди.

Бўрининг овози дардли бўлди:

Айри-айри тёғинг, майда-ё, майда-ё,
Олмос бўлсин жониворинг-а, майда-ё, майда-ё,
Сени боққан деҳқонлар-а, майда-ё, майда-ё,
Сармаст бўлсин жонивор-а, майда-ё, майда-ё.

Жонивор, анови кетаётган эшаклини кўряпсанми? У менинг қиёматли ошнам Насим.

Жонивор, менинг на отам, на ака-укаларим бор. Ёлғиз ўғилман. Отам ҳам ака-укаларим ҳам ана шу ошнам.

Ҳайда, жонивор, ҳайда, темир туёғинг, ҳайда!

¹ Ш.Раззо=ов ва бош=алар. Ўзбек хал= оғзаки поэтик ижоди. Т., «Ў=итувчи», 1980, 74-бет.

Мўл хирмондан олдим сомон, майда-ё, майда-ё,
Ошиққа коронғудек ойдин ёмон, майда-ё, майда-ё,
Ошиқлар муродини берсин худо, майда-ё, майда-ё,
Кечалар ёмғир ёғар, кундуз туман, майда-ё, майда-ё.¹

Тоғай Мурод бу қўшиққа асар қаҳрамонининг ички туйғуларини ҳам сигдириб юборади. Уларни насрий қўшиқ десак, янглишмаган бўламиз:

Бировга айтма, жонивор, ҳой анави қирда бир қиз бор, шу қиз менинг кўнглим эди.

Қиёматли ошнам кўнглимга чанг солди! Уҳ, кўргилик!

Мен ошнамга ишониб эдим, жонивор. У ишончимни оёқ ости қилди.

Қиёматли ошнамдан шу иш келгандан кейин ўзгалардан нима умиду нима хайр!

Бировга айтма, жонивор, айтгилиги йўқ...

Яна тагин қасам ичди, жонивор, эшитяпсанми, қиблага қараб қасам ичди! Қасам ёмон, жонивор, ёмон...

Ҳайда жонивор, йўртиб-йўртиб ҳайда!

Вожаб, бу қандай дунё бўлди, жонивор?

Ўртада бурун бўлмаса, у кўз билан бу кўзни ўйиб олади шекилли?...

Момо ўзи яхши қиз, майда-ё, майда-ё,

Майда билан тўкмиз биз, майда-ё, майда-ё,

Буғдой кирса омборга, майда-ё, майда-ё,

Тўй қилардик эрта-куз, майда-ё, майда-ё,

Ўзинг ўйла, жонивор, Насим кўриб-билиб туриб Момоқизга кўз олайтиради-я! Жондай ошнаси суйганига-я?...

Жонивор, мен Насимнинг онам деб эдим. Онаси қўлларидан туз еб эдим... Оналаримиз ўла-ўлгунча содиқ дўст бўлинглар, дея, бизга оқ фотиҳа бериб эди...

Бўз-бўзига, бўзига, майда-ё, майда-ё,

Қўйлар келар кўзига, майда-ё, майда-ё,

Эркак ҳазил қиларми, майда-ё, майда-ё,

Ошнаси суйганига, майда-ё, майда-ё!...

Ошиқ бўлдим, арпанинг сомонига, майда-ё, майда-ё,

Ўлим берсин, қизларнинг ёмонига, майда-ё, майда-ё!...

Жонивор, бўлди, мен энди Насим билан юз кўришмайман.

Бўлди, мен энди Насим билан бир умр гап қўшмайман...¹

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 31-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 30-31-бетлар.

Адиб қаҳрамоннинг руҳиятиги кучли изтиробларни халқ қўшиғи билан уйғунлаштириб бера олган. Бу Тоғай Муроднинг халқ қўшиқларини яхши билишини, ўрни келганда ундан фойдаланишини кўрсатиб турибди.

Бошқалар назарида шунчаки буғдой янчиб қўшиқ айтган Бўри полвоннинг қалбида бўрон бўляпти. Ҳам дўстидан, ҳам севгилисидан айрилган қаҳрамон ўзи билан ўзи курашяпти. Дўстининг сотқинлигидан изтироб чекапти.

Қўшиқ Тоғай Мурод учун бир восита. Қаҳрамоннинг изтироб ва руҳиятини тасвирлаш воситаси. Адиб бу билан орамизда сотқин, дўстига хиёнат қиладиган кимсалар борлигини таъкидламоқчи. Унда бундай номард одамлардан нафрат ҳисси яширинган. Халқ қўшиғи орқали муҳаббат ва нафратнинг ёнма-ён эканлигини кўрамиз, адиб хиёнаткор кимсаларга нисбатан нафрат уйғота олган. Китобхон ўз дўстининг севган қизига кўз олайтирган, дўстига хиёнат қилган Насимдан қаттиқ наратланади, унинг қилмишини қоралайди.

Тоғай мурод халқ қўшиғининг нозик қирраларини, уларда халқ тилига хос пичинг, кесатик, киноя, муболаға каби воситалар ёрдамида инсон руҳитини очиб беришнинг сирларини яхши ўрганган эди. бундан ташқари адиб халқ қўшиқлари, хусусан, ўрим қиўшиғи ҳақида ҳамма маълумотга эга эди. аслида ўрим қўшиғида деҳқоннинг умиди рўёбга чиқаётганлиги, тўқлик, маъмурчилининг кадр-қиммати, меҳнаткаш инсон улуғлиги таъкидланади.

Тоғай Мурод «Хўп майда» қўшиғи орқали деҳқоннинг ҳосилни йиғиштириш пайтидаги ҳолатини тасвирлайди. «Хўп майда» қўшиғидан фойдаланиб, Бўри полвон руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни тасвирлайди.

Демак, Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида буғдой ўрим пайтида халқимизнинг «Хўп майда» қўшиғини айтишини кузатган, қўшиқ сўзларини эса қисса сатрларига муҳрлаган. Бўри полвоннинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатига катта маъно юклайди.

Дастлаб Бўриполвон деҳқоннинг орзу-умидлари, хирмоннинг мўл бўлиши, ҳосилга хўжаи Ҳизр назар солиши, ҳўкизнинг деҳқоннинг яқин ёрдамчиси эканлиги, унинг туёқлари «олмос бўлсин» дея истак билдиради. Ҳўкизнинг таъриф-тавсиф этилишида бир томондан, деҳқоннинг қувноқ руҳий ҳолати, меҳнат қилиш иштиёқи, иккинчи томондан, хирмон янчиш ритми, иш жараёни акс этади. Қўшиқдан қалби тўлқинланиб кетган қаҳрамоннинг дили қайғуга тўлади. У беихтиёр армонли севгиси ҳақида куйлай бошлайди.

Тоғай Мурод Бўриполвоннинг дилидаги гапларни танлаб-танлаб айттиради, алам, изтироб билан аччиқ-аччиқ қилиб айттиради. Унинг дил туғенини халқ ижодига хос тасвир усули билан бўрттириб тасвирлайди.

Халқ қўшиғининг у ёки бу хусусиятидан фойдаланиш учун ижодкор катта билим ва тасаввурга эга бўлиши керак. Адиб бунга халқ оғзаки ижоди намуналарини пухта ўзлаштириш орқали эришган.

Тоғай Мурод халқ донишмандчилиги намуналаридан яхшигина хабардор бўлган. Буни адибнинг бир қатор асарларидаги қаҳрамонлар қиёфасида ҳам кўришимиз мумкин. Фольклор аъёналаридан фойдаланиш тасвирнинг тиниқ ҳамда жонли чиқишига кўмак берган.

Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасининг қаҳрамони эртаклардаги кал болани эслатади. Эртаклардаги кал боланинг оти бўлади, оти туфайли мурод-мақсадига етади. «От кишнаган оқшом» қиссасининг қаҳрамони касаллик туфайли кал бўлиб қолади. Одамлар уни Зиёдулла кал деб атаётган бўшлайдилар. У каллигидан уялиб бешинчи синфдан кейин мактабда ўқимай қўяди.

Зиёдулла дастлаб турли ишларни қилиб юради. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: «Диплом сўрамайдиган турли ишларда ишладим. Қоровул бўлдим, гўлоҳ бўлдим. Охири подачи бўлдим. Эл қўйини боқдим».¹

Зиёдулла қалби нозик, ҳаётга ташна йигит. У худди эртақ қаҳрамонларига ўхшаб серғайрат. Зукко. Халқ оғзаки ижоди намуналари билан яхши таниш. Буни Зиёдулланинг қуйидаги сўзларидан ҳам билишимиз мумкин:

«Адирларда қўй боқиб най чалдим. Нафасим етмай қолди. Дўмбирамни сайратдим, бепоён адирлар ёйилиб ўтлаётган қўйлар, чўққилар устида узмай чуғурлаётган қушлар, паға-паға синиқ булутларга қараб достон айтдим. Бу достонларни тўйлар, олис яйлов кечалари боболаримиз бири қўйи бири айтар эди. боболарнинг кўплари раҳматли бўлди. Раҳматликлардан достон айтиб бўлмайди. Бизники, баҳоли қудрат...»¹

«Шуниси диққатга сазоворки, Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасида туш мотивидан фойдаланади. Эртақ ва достонларимизда туш жараёни шунчаки ўткинчи ва маънисиз ҳолат эмас, инсон руҳиятининг бир қисми, инсон ички дунёсининг тимсоли сифатида намоён бўлади. Туш инсонни ўтмиш ва келажакдан огоҳ этади, унут кечинмаларини қайта эсга солади. Руҳий аҳволнинг қай даражалигидан дарак беради. Инсон руҳий дунёси ғоят сирли жараён эканлигини кўрсатади».

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 102-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 103-бет.

² Жаббор Эшон=ул. Фольклор: образ ва тал=ин. +арши, «Насаф», 1999, 104-бет.

Инсон уйқу ҳолатида, яъни ақл мустабидлиги «юмшаган», унинг зўравонлиги камайган пайтда бу истак ва кечинмалар инсон шуурини эгаллаб олади, мияга ўзининг мавжудлигини кўрсатади. Уйқу пайти биз уйғоқ пайтимиз юзага чиқишига ақлий истакларимиз йўл бермаган кечинмаларга гувоҳ бўламиз ва у билан бирга яшаймиз ҳамда буни туш деб атаймиз. Асли туш инсон руҳий дунёсининг ажралмас, мураккаб ва муҳим қисмидир».²

Тоғай Мурод туш мотиви орқали Зиёдулланинг Момосулувга бўлган севгисини ифодалайди. Муаллиф Зиёдулланинг туш кўришини шундай тасвирлайди.

«Биродарлар, сиз сўраманг, мен айтмайин... Оти Момосулув эмиш. Юзлари кулчадайми, ё сулувми? Кўзлари қорами ёзиғир гулидайми? Қошлари қуюқми? Қуюк бўлса қайрилмами? Кечасилигидан кўрмас эмишман, билмас эмишман.

Кўройдин эмиш. Момосулувлар кўчасида телба бўлиб юрар эмишман. Бир нима йўқотгандай тентирар эмишман. Йўл четидаги тошга чўнкайибман, кафтларимни иягимга тирабман. Ойга маҳлиё бўлиб, маҳлиё бўлиб термулибман. Ойнинг бети кир эмиш. Ойга сонсиз ошиқлар маҳли термилди. Ой қайси ошиққа ўпич берди? Ой қайси ошиққа вафо қилди?

Ойга қўл силтаб, ўрнимдан турибман. Момосулувлар деворидан ошибман. Ити йўқ эмиш. Дарахтлар паналаб, деразасига термилибман. Олмаларидан узиб-узиб ебман. Кейин, айвонига ундан ичкарига кирибман. Момосулув уйғониб кетибди, чириллайман, кет, дебди. Мен ёлворибман. Қўлимни узатибман. У қўлимни қайтариб, ўзимга сурибди».¹

Асар қаҳрамони туш кўришда давом этади.

«Мен тинмас, Момосулувнинг кўнглига-да кирибман! Ошиқона-ошиқона қадамлар босиб, кўнглини овлабман. Зиё-зиё бир олам эмиш. Теварак ҳувиллаб ётармиш. Қимирлаган жон йўқ эмиш. Эркак зотининг ўзи тугул, излари-да йўқ эмиш. Беҳиштдай бир олам эмиш.

Теваракка аланглаб кулар эмишман: ушбу беҳиштга мендан ўзгалар келмабди!

Кўнглимни зўр бир хушвақтлик қитиқлар эмиш: ушбу беҳиштга биринчи бўлиб мен қадам қўйибман! Аҳай-аҳай!

Кўзимни очсам уй зимистон, болишни қучоқлаб ётибман.

Уйқум қочди. Уйқумни қувалаб, шифтга қараб ётдим. Чин қишлоғимизда шундай киз бор. Оти Момосулув».²

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 103-бет.

² Ёша китоб, 103-104-бетлар.

Қисса қаҳрамони Момосулуvgв совчи кўяди. Лекин қиз худди эртақлардагидек «калга тегмайман» деб жавоб беради. Йигит шаштидан қайтмайди. Қайта-қайта совчи қўйиб, охири қизни кўндиради ва Момосулуvgа уйланади.

Тўйдан сўнг қизиги шундаки, бу тушни Момосулуvg хам кўрган бўлади. Бу ҳақда қаҳрамон шундай ҳикоя қилади:

«Момосулуvgа кўрган тушимни айтиб бердим

-Сен хам шунда туш кўриб эдингми?-дедим.

-Кўриб эдим,-деди.

-Чинингни айт,-дедим.

-Чиним,-деди. -Лекин таниёлмай қолиб эдим, чироқ ўчиқ эди,-деди.

-Ўша мен эдим!-дедим, кўкрагимга урдим.

-Сиз эканлигингизни билиб тегдимда,-деди.

-Аҳай-аҳай!-дедим».¹

Бундай мисолларни халқ оғзаки ижодидан истаганча келтириш мумкин. Халқ дostonлари ва эртақлардаги рамзларда миллий тафаккурга хос, миллатнинг ижод, тасаввур, фантастик салоҳияти ётадики, бу рамзларни ўрганиш халқ маънавий тарихини, руҳий дунёсини ўрганишга олиб келади. Тоғай Мурод тасвирлаган туш парчасидаги ой рамзига келсак, ой қиз боланинг балоғатга етишини билдиради. Қизнинг кўнгли, уни беҳиштга қиёслаш, у ерда асар қаҳрамонидан бошқа эркак зотининг йўқлиги эса қизнинг бокиралигидан, унинг ҳеч қандай йигитга кўнгил бермаслигидан далолат беради.

Демак, Тоғай Мурод халқ оғзаки ижодидаги туш мотивидан яхши хабардор ва уни ўз асарига маҳорат билан сингдира олган.

«От кишнаган оқшом» қиссасининг қаҳрамонини биз эртақ қаҳрамонларига қиёслади. Одатда, эртақ қаҳрамонларининг севимли тулпори бўлади ёки сеҳрли буюм ва ҳоказолар ёрдамида ўз мақсадига етишиш учун курашади. Қисса қаҳрамони Зиёдулла ҳам «от жинниси». От деса, томдан ташлашга ҳам тайёр. У отнинг таърифини таъриллашга жуда уста. Мана унинг от ҳақидаги таърифи:

«Бунинг мағзи шуки, от деганлари дев! От бепоёнликни дейди. От масофа нималигини билмайди. От қаҳратон қишда дашт-биёбонларни чоғиб ўтади. Ана шундадириллаган от бўлади! Қўлтиқлари чўзилади, кўкраклари энли бўлади! Учқур келади! Бедов от бўлади!».¹

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 105-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 105-бет.

² Ёша китоб, 107-бет.

Асар қаҳрамони отни таърифлашга тушиб кетганда, унинг тили бийрон бўлиб кетади. Худди от ҳақида қўшиқ куйлаётгандек бўлади. «Тўрт оёқлик жониворни от қилишнинг ўзи бўлмайди. Думли ҳайвонни одамга эл қилиш барчанинг-да қўлидан келмайди!

Тўрт оёқлик жониворни от қилиш учун авваламбор кўнгилда бўлмоғи лозим! Авваламбор, баданда бўлмоғи лозим!

Баракалла! Борда, баданда борда! Кўнгилда борда! Шу боисдан от олдимда! Аҳай-аҳай!

Достончи достон айтади. Хато айтса-да, шартта бас қилади. Бошқаттан тузатиб айтади.

Шоир китоб битади. Китобда бир жойи ёқимсиз бўлса, шоир қалам билан шартта-шартта ўчиради, ёқимли қилади.

Расмчи сурат чизад. Суратда одам қоши қошлаб бўлмайди. От ёли ёлдай бўлмайди. Қиёмига келмайди. Расмни дарҳол одам қошини қошдай қилади, от ёлини ёлдай қилади.

Чавандоз бўлса отни тузата олмайди».²

Зиёдулланинг бу сўзлари эртак ва достонлардаги уста синчиларни эслатади. Тоғай Мурод эртакчи бўлиб ўз қаҳраонини сўйлатади, достончи бўлиб қўлида дўмбира билан куйлатади. Халқ эртак ва достонларида, халқ қўшиқларида от қандай мадҳ этилса, Тоғай Мурод ҳам худди ана шу оҳангга ёзишда давом этади.

Фольклорга меҳр-муҳаббат, унинг анъаналаридан мадад олиш Тоғай Мурод ижодининг етакчи тамойилларидан биридир. Шу боис Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасининг илк сатрларидаёқ Зиёдулла тилидан от ҳақида қўшиқ куйлайди. Қиссада халқ эртаклари ва достонларига хос кўтаринкилик етакчили қилади.

Шуниси диққатга сазоворки, Зиёдулла чавандоз ҳамма отларни гўштга топшириш ҳақида қарор чиққанда, отини яшириб, қамалиб ҳам чиқади. Лекин отини гўштга топширмайди. Бу хислатлари билан у эртаклардаги кўркмас ва ботир қаҳрамонларга ўхшаб кетади.

Зиёдулла чавандоз - ҳақиқатгўй. У бир бегуноҳ одамни безорилардан қутқараман деб ўзи не-не кунларни бошидан кечиради. Бироқ у доим ҳақиқатни ҳимоя қилади. Натижада унинг ҳаёти хавф остида қолади. Безорилар тўдаси уни калтаклаб ўлар ҳолатга келтиришади. Шунда чавандозни оти қутқариб қолади. Безориларни қувиб солади.

Қисса охиридаги Зиёдулла чавандознинг Тарлонга мурожаатини ёвузликка қарши, ёвуз одамларга қарши хушёрликка чорловчи даъват деб атасак тўғрироқ бўлади. Дунёда ёвуз одамлар ҳам борлигини билган Зиёдулла чавандоз Тарлонга шундай дейди:

«Аё Тарлон, сен менинг акамсан, акам.

Бўлди, мен энди уларни акам демаман. Менинг акам сенсан, Тарлон. Ука деса дегулик, мендайин уканг бор, ака деса дегулиу сендайин акам бор, нима ғамим бор Тарлон.

Аё Тарлон сен менинг биродаримсан, биродарим.

Бўлди, мен уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан, Тарлон...

Аё Тарлон, сен менинг қиёматли биродаримсан, қиёматли биродарим...»¹

Халқ эртақларининг қаҳрамонлари каби Зиёдулла чавандоз китобхон қалбида самимий кайфият уйғотади. Унинг содда ва самимийлиги ҳар томонлама китобхонга манзур бўлади. Гарчанд асар охирида Зиёдулла чавандознинг калтакланган ҳолати тасвирланган бўлсада, китобхон Зиёдулла чавандозни ғолиб ҳолда кўради. Унинг ғалаба қозонишига ишонади.

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомоларнинг тақдири халқ эртақларидаги Тоҳиру Зухро, Фарҳоду Ширинлар каби кечади. Асарни мангу муҳаббат қиссаси дейиш мумкин.

Адиб асарда тўйда ўтказиладиган ит ғириллатар, кампир ўлди, соч сийпалатиш, қўл ушлатар каби урф-одатларимизга алоҳида тўхталиб ўтади.

Ойна кўрсатар баридан-да завқли бўлди, баридан-да гаштли бўлди!² деб таърифлайди.

Айниқса, қиссада «Келин салом» кўриниши тасвирланган жойлар жуда табиий чиққан. Маълумки, келинчакни куёвнинг яқин қариндош-уруғлари билан таништириш маросимида келинсалом билан ёки беточар қўшиқлари айтилади. Анъанага кўра кайвони (дастурхончи) келинни тушадиган уйга дарвозага олиб киришдан бошлаб айтади. Уй эгалари, тўйга келганлар эса «алик салом» деб жавоб қайтардилар. Бухоро ва Самарқанд вилоятларида анъанавий «саломнома»лар ўқилади. «Келин салом»да кайвони куёвга, қайнота, қайнона ҳамда тоғалари, аммалари, холаларига салом берганда, таъриф-тавсифлар орасида ҳазилнамо гапларни қўшиб-чатиб юборади. «Келин салом»га қатнашган аёллар бундан роҳатланиб куладилар. Танқидий ҳазил ҳам, кулги ҳам беғубор, бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Аслида «келин салом»да айтиладиган қўшиқлар аввалдан ижод қилинган эса-да, кайвони тилидан гўё янги келиннинг қариндошлари табиатига мос

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 211-бет.

² Ёша китоб, 231-бет.

тушадиган қилиб, ҳозиргина ижод қилингандай туюлади. Кўп ерларда «келин салом» уч сатрдан, Фарғона водийсида тўртликлардан ташкил топади.¹

Тоғай Мурод «Келин салом» айтилишини қуйидагича тасвирлаган:

Кайвони момо келинни тўйловчиларга салом бердира берди:

Сойдан ҳўкиз сувлатган,
Дўмбирасини куйлатган,
Ўғилларини уйлатган -
Қайнотамга салом!

Осмондаги юлдуздай,
Қоши қора қундуздай,
Дили ойдин қундуздай,
Қайнонамга салом!

Байтлар кайвонидан бўла берди, таъзимлар келиндан бўла берди:

Қозонларнинг қопқоғи,
Аёлларнинг оппоғи,
Мисоли олма ёноғи-
Гулсун опамга салом!

Ғижим рўмол ўраган,
Бурилиб ойга қараган,
Сочин силлиқ тараган-
Санам холамга салом!

Боғда узум ғўраси,
Куёвбекнинг жўраси,
Норгулойнинг тўраси-
Баҳром акамга салом!

-кайвони момо ҳамсояси Сувон дароз, мен қолиб кетдим, деб ўпкалаяпти.

-Унда эшитсин:

Тегирмоннинг новидай,

¹ Щ.Раззо=ов ва бош=алар. Ызбек хал= о'заки поэтик ижоди. Т., «Б=итувчи», 1980, 93-бет.

Адрас тўннинг боғидай-

Дароз акамга салом!

Норбой чўпон ўрнидан туриб кетди.

-Ай момо, келин нимага менга салом бермайди?-деди.

-Салом берганим бўлсин, эшитинг:

Қопга тикқан похолдай,

Индан чиққан шоқолдай-

Чўпон акамга салом!

Бўлди кулги!

Ҳақиқатан ҳам ушбу «келин салом»лардаги ҳазил-мутойиба ҳам, танқид ҳам тингловчига оғир ботмайди. Тоғай Муроднинг «Келин салом» айтишни таърифлашидан кўриниб турибдики, у «Келин салом» айтиш одатини жуда яхши билади ва уни кўплаб кузатган.

Тоғай Мурод «Ойдинда юрган одамлар» қиссасига халқимизнинг бундай урф-одатларини чуқур сингдириб юборган. Бунини янги келинчақлар бажариши лозим бўлган қуйидаги урф-одатларимиздан ҳам билиш мумкин:

«Келинлар тонг саҳарлаб туради!

Келин аёллар ҳамроҳлигида эшикни очди, туйнукни очди.

Шу хонадонга содиқ бўлиш рамзида ит ялогига овқат қуйди.

Идиш-тобоқларга бир-бир кўз солди.

Пориллаб ёнмиш оловга мой томизди.

Бу, бахтли бўлиш рамзи бўлди.

Невара-чеварали бўлиб юраин дея, қўлига гўдак олди.

Барча палов еди.

Келин бўлса қўлини-да узатмади.

Шунда келин ош емади, бўлди.

Куёв тоғаси келин ош ейиши учун бир жўра саккиз тепкилик атлас айтди.

-Айтадиганлар оғзига қараб айтсин!-деди бир момо.

Чин айтувчилар айтмишини елинчақириқда кийгизади.

Охирги келин ош емадини қайнонаси айтди:

-Мана шу уй-жой туриш-турмуши билан Сеникит!

-Ана бўлмаса!-деди барча.

Ана шундагина келин паловга қўл узатди.

Юз очар бўлди.

Келинлар юз очиш бегуноҳ норасидалар ишидир

Шу боис, момолар тўрт-беш яшар куёв укани гиж-гижлади.

Куёв ука чопкиллаб борди янгаси юзидаги рўмолни тортиб юборди.

Келин юз очди».¹

Юқоридаги сатрларни ўқиркансиз, кўз одингизда «Келин салом», «Келин ош емади», «Юз очди» каби бир-биридан гўзал удумларимиз кўз олдингизда намоён бўлади. Булар Тоғай Муроднинг фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланганлигининг самарасидир. Қиссада халқимизнинг қадимий байрами Наврўзга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганки, бу Тоғай Муроднинг Наврўз тарихидан яхши хабардорлигини кўрсатиб турибди. Фикримизнинг исботи учун асардан олинган қуйидаги парага эътибор қаратсак:

«Наврўз бундан етти минг йил муқаддам жорий этилмиш Куёш йил-ой куни билан баробар бино бўлди.

Эмишки, Куёш оламини бир йилда бир бор айланади. Шу айланмиш йўлида ўн иккита буржга рўбарў келади. Куёш ҳар буржни бир ой мобайнида айланиб ўтади. Зулмат билан тенг зиё бўлмиш кунда Ҳамал дея аталмиш буржга етиб келади.

Куёш ана шу Ҳамал буржи бошидан чиқмиш кунда олам ўзгача ранг олади. Олам бир бошқа бўлади...

Тахмураслар сулоласидан бўлмиш Жашид подшо ана шу кунни Наврўз дея атади.

Ейин Қаюмарс подшо бўлди

Қаюмарс Наврўзни шаралади, Наврўзни улуғлади.

Наврўзни ҳайит қилди.

Шу-шу Наврўз ўлик-тирик озод кун бўлди.

Наврўз асир-тутқн озод кун бўлди.

Наврўз қирғинбарот тўхтар кун бўлди.

Наврўз кина-кудурат тарқар кун бўлди.

Қаюмарс йил кунлари билан ойларига ном бериш учун жазм этди.

Қаюмарс тонг саҳар-тонг саҳарда Куёш Ҳамал буржининг олдинги дақиқасига кирмиш кунни аниқлади.

Олим-уламоларни йиғди, йил ҳисоб-китобини ана шу кундан бошлашни айтди, олим-улаолар рози бўлди. Йил ҳисоб-китобини айнан шу кундан бошлаб жорий этди.

Эмишки оламда Изид худо илк худо бўлди. Ана шу илк худо нурдан куёш яратди. Куёш билан еру заминни парвариш этди.

Изид худо оламда ўн иккита ҳалоскор фаришта яратди. Тўртта фариштани осмону фалакка балои қазолардан асраш учун юборди. Балои қазоларни тоғлардан бери

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган ошом. +иссалар. Т., 1994, 244-бет.

келтирмаслик учун тўртта ҳалосор фаришта жўнатди. Қолмиш тўртта фариштани эса еру заминни балои қазолардан асраш учун юборди.

Ана шу Изид худо Қуёш нурлари барча-барчага баробар бўлсин, деди. Шу боис, Қуёш ўз жойидан қўзғолсин, деди.

Шунда Қуёш Ҳамал буржи бошидан чиқиб келди.

Зулмат бир бўлак бўлди, зиё бир бўлак бўлди.

Кеча билан кундуз ана шундай бино бўлди.

Қаюмарс подшо уч юз олтмиш беш кун бўлмиш бир йилни ўттиз кун-ўттиз кундан ўн иккита ойга бўлди. Кейин ана шу ўн иккита ойни Изид подшо юбормиш ўн иккита ҳалоскор фаришта оти билан атади».¹

Биз бу маълумотларни бежизга келтирмадик. Боиси қисса қизил империя тазйиқи энг юсак чўққига кўтарилган 1980 йилда ёзилган. Ўша йилларда Наврўз ҳақида ёзиш тугул, гапиришнинг ўзи жиноят ҳисобланарди. Чунки Наврўз ва Ҳайит байрамларига собиқ коммунистик мафкура томонидан қора бўёқ чапланган эди. лекин Тоғай Мурод Наврўз ҳақида кўрқмасдан ёзди. Ўз асарида Наврўз байрамининг қандай ўтказилишини ҳам чўчимаслан таърифлади. Ҳатто халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ иримларини ҳам келтирди:

Масалан:

-Наврўз сешанбада келар ил очлик бўлмайди, ошлик бўлади. Эртачи экинлар яхши бўлади, ноз-неъматларда яхши бўлади. Айби, тахчиллик бўлади.

-Ёмони кўп қон тўкилади. Эл-юрт орасидан раҳм-шафқат кўтарилади.

-Ўғил отадан қайтади, қиз онадан қайтади, аёл эридан қайтади.

-Подшолар тахтдан кула-кула бўлади.

-Ёмонлик кўпаяди.

-Ёғин-сочинни айтинг.

-Ёғин-сочин... Қор кам ёғади, аҳллар. Йил охирида сел кўп келади.

-Ўзи Наврўз қайси куни келса йил яхши бўлади, азизлар?

-Якшанба куни келса, кўп бинойи бўлади. Ўлим-етимлар оз бўлади. Фиск-фасод, ёмонлик кам бўлади. Наврўз душанба куни келса-да, яхши бўлади. Айби, буғдой танқис бўлади.

-Наврўз чоршанбада келса, йил қимматчилик бўлади. Қорин-томоқ учун қон тўкилади.¹

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 264-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 265-бет.

Албатта, булар Тоғай Муроднинг собиқ тузумга қарши ошкора исёнларидан бири эди, десак янглишмаймиз. Булар Тоғай Муроднинг фольклор анъаналари таъсирида эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Тоғай Мурод Муқаддас Буқа ҳақидаги ривоятни ҳам келтиради. Айниқса, сумалак пишириш маросими ва у билан боғлиқ ишлар тасвирланган лавҳалар жуда ҳаётий чиққан. Сумалак ҳақидаги ривоят ҳам жуда таъсирчан ва қизиқарли чиққан. Қуйида Тоғай Мурод ўз асарида келтирган ривоятга эътибор қаратамиз.

«Эмишки, фоний оламда бир онаизор бўлибди. Онаизор ўз оти билан зор она бўлибди. Бечорадан-бечора бўлибди. Ғарибдан-ғариб бўлибди.

Худойим худовандо онаизор ризк-рўзини бермайди-да, насибасини бермабди-да!

Аммо худойим худовандо онаизор пуштини берибди.! Фарзандлари бир этак бўлибди!

Бир оқшом болалари қўлларини чўзиб:

-Хўрак, эна хўрак!-дея зорланишибди.

Онаизор енгларини турибди.

-Болаларимга мазали таом қилиб берайин,-дебди.

Ўчокқа ўт ёқибди. Қозон осибди.

Ўт ёна берибди. Қозон қайнай берибди.

Шунда, онаизор қозонга нима солишни билмабди. Уй ичини қарабди. Теварак-бошни қарабди. Қозон қайнатиш учун бирон-бир нима тополмабди.

Норасидалари бўлса, хўрак, дея зорланишни қўймабди. Хўрак дея йиғлай бериб-йиғлай бериб, ухлаб қолибди.

Онаизор оч-наҳор ухлаб ётмиш гўдакларига термулиб ўтирибди. Ўтириб-ўтириб, кўнгли бузилибди. Ўз тақдирдан куйибди.

-Йўқчилиги қурсин-а, йўқчилиг-я!-дея қон-қон йиғлабди.

Гўдақлар азонда уйқудан туради. Очдан-оч бўлади. Тағин таом, дейди. Хўрак, дея йиғлайди...

Онаизор ана шу қайғуда тимирскиланиб юрибди-юрибди. Қозон қайнатиш тағин бирон нима тополмабди.

Шунда, майда-майда тошларга кўзи тушибди. Шу тошлардан еттитасини санаб олибди. Тобокда ювиб-ювиб тозалабди. Тобокдан қозонга солибди.

Онаизор наҳорда қозон қопғоғини олиб қараса, қозон тўла таом бўлибди!

Таом оти сумалак бўлибди!

Шу-шу, сумалак Наврӯз таоми бўлиб қолибди».¹

Сумалак ҳақидаги бу ривоятни ҳаммамиз болалигимиздан эшитганмиз. Тоғай Мурод бу ривоятни асар руҳига сигдириб юбориши билан ўзининг фольклор анъаналарини яхши ўзлаштириб олганлигини яна бир бор намойиш этган. Адибнинг маҳорати шундаки, у халқимизнинг урф-одатларини бир сюжет чизиғига боғлай олган. Чунончи, тўй тасвирланса, тўй билан боғлиқ удумлар ва ривоятлар, баҳор тасвирланса, баҳор ҳақида афсоналар ва турли удумларимиз ҳақида маълумотлар ва тафсилотлар берилади.

Чунончи, Тоғай Муроднинг соғим қўшиғини қандай қўллаганлигини кўздан кечирайлик. Дастлаб икки оғиз сўз, соғим қўшиғи ҳақида. Сигир, қўй, эчки, бия, туяларни соғишда эркалаш оҳангида айтиладиган қўшиқларни соғим қўшиқлари дейилади. Сигир соғиш билан боғлиқ қўшиқлар - «хўш-хўш» ёки «хўшим» дейилади. Улар ҳам бошдан-оёқ говмиш сигирга мурожаат шаклида тўқилган бўлиб, сутли сигир меҳнат аҳли рўзгорини тўкин қиладиган хазина деб ардоқланади. Соғиш пайтида силаб-сийпаб айтилган қўшиқ говмишни ийдиради.

Қўйларни соғиш ва қўзиларни эмдиришда айтиладиган қўшиқларни «турей-турей» қўшиқлари ёки «фурр-ҳай-пуй» дейилади. Уларда одатдагидек совлиққа мурожаат қилиш асосий ўрин тутadi. Қўшиқларда чорвадорлар ҳаёти қўйларни бўрилардан омон сақлайдиган итлардан тортиб, қўй боқувчиларнинг руҳий олами, ям-яшил далалар тасвиригача она қўйларни эркалаш йўли билан берилади. Тўртликларнинг ҳар бир сатрида «турей-турей» ёки «турей-турей», «пufей-пufей» сўзлари қўшиб айтилади.

Эчкиларни соғиш ва улоқларни эмизишда айтиладиган қўшиқларни «чурей-чурей» ёки «чирия» лар дейилади. Улар «турей-турей»ларга нисбатан чўзиброқ айтилади. Баъзан эчки соғувчи қўшиқсиз «чурей-чурей»ни қайта-қайта айтиб туриши билан кифояланади.

Умуман, сигир, бия, туя, қўй , эчки соғиш қўшиқлари аёллар ва чўпонлар томонидан тўқилган бўлиб, улар меҳнатни акс эттиради. Қўшиқларда инсоннинг ҳайвонот олаига муҳаббати, у билан бўлган муносабати кўрсатилади: аёл ўз фарзандларини эркалагандай мулойим сўзлайди, қўшиқ куйлайди, мол ҳам шунга ўрганган, бинобарин, мол ийдирилади, яхши соғилади, сути мўл бўлади. Соғим қўшиқлари ичида туя соққан аёлга бағишланганлари ҳам бор. Лирик оҳангдаги бу қўшиқда қизнинг туя ёки бия соғишдаги хатти-ҳаракати, иш унуми, қимиз ичиш баҳонасида йигитнинг унга муҳаббат изҳор этмоқчи бўлгани тасвирланади.¹

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 276-бет.

¹ Ш.Раззо=ов ва бош=алар. Ўзбек хал= о\заки поэтик ижоди. Т., «ЎИ=итувчи», 1980, 80-81-бетлар.

Тоғай Мурод «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида халқимизнинг ана шу соғим қўшиғини келтиради:

Онамиз совлиқ соғиб бошлади:

Қўй соғаман қўшокда, турей-турей,
Қўй ишқи менга ёққан, турей-турей,
Қўй сутини ичганлар, турей-турей,
Кундан-кун шифо топган, турей-турей.

Совлиқ ийди, совлиқ қўзисига тумшук чўзди...

Отамиз кетига тис бўлди. Қўзини совлиқдан холислатди.

Отамиз кўнгли бирён бўлди...

Шу ўтириш аzza-маzza эркак учун эпми?

Қўзи ушлаб туриш кап-катта одам ишими?

Токайгача Хушвақт ишида ўзи юради?...

Совди бўлиб совдирин, турей-турей,
Совса кади тўлдиргин, турей-турей,
Бунга куйма, жонивор, турей-турей,
Тақдирингни кўндиргин, турей-турей.

Совлиқ кўзи деворда юрмиш мушукка тушди.

Тағинда берилиб ийди. Боиси, совлиқ мушукдан кўркмади!

Тоғларга бор, қув олма, турей-турей,
Совди бўлгин, сув олма, турей-турей,
Болангнинг йўқлигини, турей-турей,
Кўнглингга оғир олма, турей-турей.

Мушук девордан сапчиб тушди.

Совлиқ бир сесканди.

Болагинанг бахтингдир, турей-турей,
Уни олиб ухлагин, турей-турей,
Болалилар маърашар, турей-турей,
Боласизлар қарашар-а, турей-турей...¹

Қиссада алла ҳам берилган. Бу асарнинг халқчиллигини яна ҳам оширган. Маълумки, болаларни ухлатиш вақтида оналар томонидан куйланган қўшиқлар алла деб аталади. Онанинг бетиним хатти-ҳаракати, беминнат меҳнати туфайлигина мурғак гўдак улғаяди, вояга етади. Онанинг меҳри дарё дейдилар. Аллаларда оналарга хос бўлган

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 289-бет.

² Щ.Раззо=ов ва бош=алар. Ўзбек хал= о'заки поэтик ижоди. Т., «ЎИ=итувчи», 1980, 84-85-бетлар.

бағрикенглик, қуёшдай меҳрибонлик, майин дил қаъридан сизиб чиққан ёқимли куйларда таралади. Уларда эзгу орзу-хаваслар, умидбахш яхши ниятлар, онанинг бола келажаги ҳақидаги орзу-ўйлари чиройли тасвирий бўёқларда куйланади. Алла нақоратларида бешик ёки беланчада ётган боланинг номи қўшиб айтилади, қўшиқни онанинг ўзи, чолғусиз ижро этади. Болани тинчитиш учун тўқилган аллаларда ўтмишдаги мураккаб ижтимоий ҳаётнинг тенгсизликлари, машаққатлари онанинг изтиробли кечинмалари орқали акс эттирилади. Онанинг маънавий дунёси, унинг ҳаётга муносабати, умидсизлик нолалар, баъзан ғзаби, нафрати, норозилик кайфиятлари содда сўз, майин куйларда бадий ифодасини топади. Онанинг ўз фарзадига бўлган меҳру муҳаббати чексиз бўлиб, рамзий маънода унинг ҳаёти бўлган сўнмас муҳаббатидир. Она учун фарзанд ҳамма нарсадан улуғ, қадрли, ширин, азиз; шунинг учун уни дарёларнинг тубидан топиб олган гавҳарим, дея ардоқлайди, суяди.²

Тоғай Мурод «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг қаҳрамони Оймомо ҳам аллага ўз орзу-армонларини қўшиб айтади:

Алла, алла, аҳди бор-а, алла-ё, алла-ё,
Уйқунинг ҳам вақти бор-а, алла-ё, алла-ё,
Алла айтган энангни-ё, алла-ё, алла-ё,
Қон-қорайган бахти бор-а, алла-ё, алла-ё.

Аллада Шеробод даштларидай анқиллаб ётмиш кўнгил ноласи бўлди.

Кўнгил дарди бўлди, армони бўлди.

Кўнгил фожиаси бўлди!:

Дашту далада узум, алла-ё, алла-ё,
Узганимни ким билар-а, алла-ё, алла-ё,
Ҳасрату армон билан, алла-ё, алла-ё,
Жон берганимни ким билар-а, алла-ё, алла-ё.

Биргина ушбу аллада қаҳрамоннинг бир умр тирноққа зор бўлиб ўтганини, унинг сўнгсиз армонлари мужассам.

Қиссада йиғи-йўқлов айтишуви ҳам берилган:

Ёш-яланглар момолаб-момолаб йиғлайди:

Осмондаги қирқ юлдуз,
Қиялаб кетади ботгани,
Вой момом-овв, момом-овв!
Мен момомни бир ўпайин,
Қиёмат кетади ётгани,

Вой момом-овв, момом-овв!...¹

Тоғай Мурод асарларидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хуллас, адиб фольклор анъаналаридан фойдаланиб, бири-биридан гўзал ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратган. Бу асарлар адабиётимизнинг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 349-бет.

III боб. Адиб асарларининг бадиий хусусиятлари

Мумтоз адабиётимиз асарларининг нафосату назокатини теран англаб етиш улуг шоир ва ёзувчиларимизнинг бадиий салоҳиятлари, сеҳрини ўрганиш учун шеърий санъатлардан атрофлича хабардор бўлиш лозим. Боиси, адибу шоирларимизнинг бадиий салоҳиятлари бир-биридан фарқ қилади. Тоғай Мурод асарларининг бадиий хусусиятлари ҳақида гап кетганда, энг аввало уларни Тоғай Мурод куйлаб кетган кўшиқлар дейиш мумкин. Боиси, адиб уларнинг ҳар бири устида кўз нурини тўкди, уларга қалб кўрини баҳшида этиб, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратди.

Қабатида келаётган тўриқ чавандознинг кўли улоқдан узилди. Тўриқ кейинда қолиб кетди.

Мен жўшиб кетдим:

-Ху-у-у-й, ху-у-у-й, ху-у-у-й!:

Тарлон юлдуз учгандай чопди!¹

Энди тасаввур қилинг, от қандай қилиб юлдуз учгандай учиши мумин. Лекин биз яхши биламизки, муболаға араб тилида «катталаштириш», «кучайтириш» маъносини билдириб, адабий асарда тасвирланаётган бадиий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш санъатидир. Бу хил тасвирда бадиий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади, ўқувчи кўз олдида ёрқинроқ гавдаланади.² Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасидаги:

Чавандозлар кетимдан қолмай таъқиб этди.

Шунда Тарлон бирдан... сойга қараб зипкийди. Олд оёқларини кўтарди, ўзини сойга ташлади.

Этларим жимир-жимир этди. Кўзларим отилиб кетаётгандай бўлди. Оёғим ердан узилганини туйдим. Ўзимни муаллақ сездим. Кўнглимдан ўлган одам шундай ўлар эканда, деган гап ўтди.¹ Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасидан олинган ушбу парчада халқ дostonларига хос кўтаринкилик ва муболағали тасвир етакчилиқ қилади.

Юқоридаги мисолдан келиб чиқиб, Тоғай Мурод ҳамма вақт халқ ижодидан баҳраманд бўлиб ижод қилган, десак хато қилмаган бўламиз. Унинг содда ва равон, аниқ

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 154-бет.

² А.Шожиашмедов. Мумтоз бадиият маломати. «Шар», Т., 1999, 9-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 120-бет.

² А.Шожиашмедов. Мумтоз бадиият маломати. «Шар», Т., 1999, 14-бет.

³ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 55-бет.

ва лўнда жумлалари, қофияли сатрлари, халқона ўхшатиш ва сифатлашлари бунинг ёрқин далилидир.

Ташбеҳ - Шарқ адабиётида тарқалган санъатлардан бири бўлиб, «ўхшатиш» маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий (реал) ёки маъжозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Ташбеҳ санъати тасвирланаётган шахс, буюм ёки тушунчани ўқувчи кўз ўнгида аниқроқ, жозибалироқ гавдалантиришга хизмат қилиб, асар тисоллари маънавий қиёфасини ёрқинроқ очиш, бинобарин, шоир ғоясини ўқувчи онгига тўлароқ етказишга имкон беради.²

Тоғай Мурод асарларида бир қатор ташбеҳлар қўлланганки, улар ҳақиқий (реал) ва маъжозий ташбеҳлардир.

Масалан:

Бўриполвон худди осмондан тушгандай фавқулодда пайдо бўлиши, барча-барчани ҳайрон қолдирди.³

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидан олинган ушбу мисолда асар қаҳрамони Бўриполвоннинг даврага келиб қўшилиши шунчалик тез бўладики, уни бирданига ҳеч ким пайқамай қолади. Шунинг учун адиб уни «худди осмондан тушгандай» деб ўхшатиш қилади, яъни осмондан тушаётган буюмга ўхшатади.

Шу қиссадан олинган яна бир мисолга эътиборни қаратайлик:

Фавқулодда сесканди. Ён-верига аланглади. Сомон орасида қорайиб турган гилосдай тошни олди. Гоҳ ўнг, гоҳ чап кафтига олиб ўйнади. Мисоли олма ўйнади. Кейин ўзидан олисга отиб юборди.¹

Тоғай Мурод бу ерда сомон орасидаги тошни шунчаки оддий тош деб тасвирламайди, аксинча «сомон ичида қорайиб турган гилосда» деб таърифлайди. Бу билан адиб тошнинг қоралигини, шу билан кичик ҳам эмас, катта ҳам эмас, гилосдай эканлигини таърифлаш билан китобхонда тасвирланаётган буюм - тош ҳақида аниқ тасаввур туғдиради.

Яна бир мисол:

1. Дашт узра тўрғайлар чархпалак бўлди, тўрғайлар юлдузда учди, тўрғайлар жойида муаллақ қотиб қолди.²

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган ошом. +иссалар. Т., 1994, 90-бет.

² Ёша китоб. 433-бет.

³ Ёша китоб. 433-бет.

⁴ Ёша китоб. 122-бет.

2. Беш-ўн қадам олдин тошалр орасидан бир тўрғай ўқдай отилиб учди, тошлар узра муаллақ бўлиб чулдирди. Тагин тошлар аро шўнғиди, тагин самода ҳаволанди.³

Юқоридаги мисолнинг биринчисида тўрғай «юлдуздай учди» дейилса, иккинчисида адиб «тўрғай ўқдай отилиб учди» иборасини қўллайди. Ҳар икки вариантда ҳам тўрғайнинг тез учиши тасвирланган. Лекин икки хил ўхшатиш орқали адиб бир хилликдан қочган ва чиройли ўхшатишларни топа олган.

-Чавандоз бова!-деди. -Ошиғингни еса-да мард еин, бошингни еса-да мард есин! Бундай тантилиқдан кейин, ҳақ сиздан айлансин!-деди.⁴

Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасида халқ мақолларидан фойдаланишнинг ўзига хос йўлини топган. Ушбу мақолда мардлик улуғланади. Мард инсоннинг мардлиги алоҳида таъкидланади. Бу мақол билан сизнинг ошингизни мард киши еса ачинмайсиз, чунки мард ана шундай сийловга лойиқ. «бошингни еса-да, мард есин!» деган жумла эса агар сизни ўлдирса ҳам мард одам ўлдирсин. Биринчидан мард одам бир марта, номард эса минг марта ўлдиради, дейилмоқчи. Шундай экан, мард одамнинг қўлида ҳалок бўлган инсон ўз ўлимига аинмайди. Зеро, мард инсоннинг қўлида ўлим топиш ҳам шарафдир.

Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади!¹

Тоғай Мурод қўллаган ушбу мақолда ўзбек миллати, унинг феъл атвори, чапанилиги, ботирлиги ўзининг ифодасини топган. Ушбу образли ифодада ортиқча сўзлар йўқ, ҳар бир сўз аниқ, ўз ўрнида ишлатилган, «ўр», «ўжар», «зўр» сўзлари ўзаро қофияланган. «Келади» сўзларининг такрорланиши эса мақолнинг оҳангдорлигини таъминлаган, ўзига хос ритм ҳосил қилган.

Кўриниб турибди, мақолларда меҳнаткаш омманинг донолиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида фикри, баҳси, меҳнат якнлари мужассамланган. Шунинг учун ҳам мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақолларда ҳар бир тарихий давр, ижтимоий-сии воқеалар маълум даражада ўз изини қолдирди. Шунингдек, янги-янги мақоллар яртилиб, сўз санъати хазинаси бойийверади.²

Балки Тоғай Муродда фольклор анъаналарига бўлган қизиқиш у деҳқон бўлиб бепоёндааларда сувчилар билан ёнма-ён сув қўйганда, йилқибоқарлар ва полвонлар

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 129-бет.

² Ш.Раззо=ов ва бош=алар. Ўзбек хал= озаки поэтик ижоди. Т., «ЎИ=итувчи», 1980, 108-бет.

даврасида, тўйларда бўлган даврларида туғилган бўлса ажаб эмас. шунданми, чуқур ва кенг маъноли, ибратомуз, тугал фикр англатган мақоллар Тоғай Мурод асарларининг ич-ичига сингдириб юборилган. Мақоллар асар қахрамонлар нутқларининг таъсирчанлигини таъминлаш вазифасини ўтаган.

«Бир калнинг ҳийласи - қирқ кишини чарчатади».¹ Халқ эртакларида кал айёр ва ҳийлагар одам сифатида тасвирланади.

Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасида Москвадан вакил қилиб юборилган одамни ўша айёр ва доғули калга ўхшатади. Ҳақиқатдан ҳам Москвадан келган вакиллар ўша даврларда эртаклардаги калга ўхшаб ҳаммани лақиллатиб кетишарди. Ана шу вакилнинг ташрии энг сира отлар гўшти топширилади.

«Эркак одамнинг йиғлагани - ўлгани».²

Мақолларда мардлик, эркак кишининг оила устуни эканлиги, унинг ор-номуси ҳақида фикр юритилади. Лекин Тоғай Мурод қиссасида ишлатган, ушбу мақолда тасвирланган кал ундай ҳамиятли эркак эмас. уни Москвадан келган вакил амалидан олиб, партиядан ўчирмоқчи бўлганда, амалдор хўнг-хўнг йиғлайди. Бундан ачинган, унинг эркак бўла туриб йиғлаган амалдорга нисбатан «Эркак одамнинг йиғлагани - ўлгани» мақолини ишлатган. Ҳақиқатан ҳам эркак бўла туриб йиғлаган бундай эркакнинг боридан йўғи. унинг бу дунёда «Эркакман» дея бош кўтариб юрганидан ўлгани яхши.

Халқимиз қадим-қадимдан ориятли халқ. Номардликни қоралаб келган. Тоғай Мурод амал деб ўзининг эркаклик ғурурини поймол қилган эркак устидан кулади. Унинг ҳақиқий башарасини халққа кўрсатиб беради. Қиссадаги амалдор ўша собиқ Иттифок давридаги Москвадаги «ҳурматли оға»ларининг кўлида кўғирчоқ бўлиб, уларнинг айтганларини бажаришдан нарига ўтмаган, халқ бошига не-не кулфатларни солган итоаткор ва кўрқоқ раҳбарларнинг типик вакилидир. Адиб биргина халқ мақоли орқали унинг жирканч башарасини ишонарли қилиб чизиб бера олган. Китобхон кўз ўнгида яққол намоён бўлган бундай раҳбарларда эркаклик ғурури бўлмаслиги табиий бир ҳол эди. бундай кўғирчоқ раҳбарларга эркак деган номнинг ўзи ҳам ҳайф эди. Тоғай Мурод бундай кимсаларга таъриф беришнинг зўр усулини топган.

«Ўзинг яхши - олам яхши, ўзинг ёмон - олам ёмон»¹

Ҳикматга йўғрилган бу мақолда ўша адиб тасвирлаётган кал яъни собиқ катта алнинг чойхонада ётволиб «Ҳақиқат йўқ, бу дунёда ҳақиқат йўқ», дейишига нисбатан унга қарата «Агар сен яхши бўлганингда олам ҳам яхши бўларди, ўзинг ёмонлигинг учун ҳозир

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 154-бет.

² Ёша китоб. 154-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +иссалар. Т., 1994, 154-бет.

кўзингга олам ёмон кўриняпти», деган фикр илгари суриляпти. Албатта бундай одамларнинг тақдири халқ учун армон бўлиши, яъни одамлар уни кулги остига олиши тайин «Элга эрмак, халққа шалоқ»,² мақоли худди ана шу мақсадда ишлатилган. Боиси собиқ раҳбар энди ҳаммага кулгу бўляпти. Адиб унинг чой ичишини шундай тасвирлайди:

«Чойнагидан чойи оқ эмиш. Ўзи қўйиб, ўзи ичар эмиш»³ Демак, кўриниб турибдики, энди эрмакталаб кишилар унинг чойхонада ўтириб, доғ сув ичишини кўриб куляпти. Энди собиқ раҳбар ўзи ёлғиз. У билан ҳеч ким чойхўрлик қилмайди. Ҳа, эл назаридан қолган жуда ёмон.

«Ён қўшним - жон қўшним» бўлди.⁴

Бу мақол билан қўшниларнинг фойдали томонлари, яхши-ёмон кунларда кишига ҳамдам, ҳамқадам ва ҳамдард бўлишлари кўрсатилади. Мақолда қўшниилик, дўстлик, иттифоқлик, ҳамжиҳатлик улуғланади. Тоғай Мурод ушбу мақол орқали халқининг қадим-қадимдан қўшни бўлиб яшаб келганлигини, қўшнииликни нақадар эъзозлаганликларини кўрсатмоқчи, бир-бирига кўмаклашиб яшаганликларини таъкидламоқчи бўлади.

«Йиғини ўз уйи - ўлан тўшагидан тарк этажигидан, ҳеш-ақраболаридан олислаб кетажигидан десак-да бўлади».¹

«Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги ушбу мақол мазмуни «Бировнинг уйида, юртида юмшоқ тшакда ўтирганингдан кўра, тап-тақир ўлан тўшакда ўтирсанг ҳам, ўз уйинг яхши» демоқчи бўлганлар. Ҳар кимнинг ўз уй-жойи, ўз она юрти нақадар қадр-қимматли эканлиги таъкидланади. Юқоридаги мақол ҳам ўз уйидан олислаб кетаётган, турмушга чиқиб кетаётган қизга нисбатан ишлатилган бўлиб, мақолда турмушга узатилаётган қиз учун ўз уйи нақадар қадрли эканлиги ҳақида, ўз уйидан узоқлашиш қиз учун нақадар оғирлиги ҳақида гап боради.

-Кет, хайвон кет! Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан! Тортдинг аслингга! Кет!-дедим.² Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, қазӣ, айниқса қарта ҳар қанча турса ҳам тотли таом бўлгани билан, барибир қандайдир ҳиди келиб туради. Мажозан: «Ёмондан туғилган, ёмонлар даврсидан чиққан одам минг яхши бўлб кетгани билан, барибир асли

² Ыша китоб. 154-бет

³ Ыша китоб. 154-бет

⁴ Ыша китоб. 240-бет.

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган о=шом. +иссалар. Т., 1994, 240-бет.

² Ыша китоб. 182-бет

³ Ыша китоб. 185-бет

зотига тортади», деган маънони англатади. Тоғай Мурод Зиёдулла чавандоз номидан отидан хафа бўлиб, барибир отлигини қилдинг, деган маънода қўллаган.

Биродарлар, куёвни пайғамбарлар-да сийлаган! Аҳай-аҳай!³ ривоятларга кўра Муҳаммад пайғамбаримиз ўз куёви Ҳазрати Алин сийлаган экан. Мазкур мақол шу асосда келиб чиққан бўлиб, уни куёвни сийлаганда ёки сийлаш зарурлигини уқтирганда айтадилар. «Куёв келди - хон келди» деган мақол ҳам борки, бунда қайнота, қайнона, қайноға, қайни, қайнисингил ва умуман қуда тарафдагилар куёвни қанчалик ҳурмат қилишлари, у келса ўтказгани жой тополмай қолишлари, байсоли хон келгандек иззату эҳтиром қилишлари ўз ифодасини топган.

«От кишнаган оқшом» қиссасида

Бу мақол кўчма маънода қўлланган. Яъни Тарлон (Зиёдулла чавандознинг оти)га нисбатан қўлланган. Тарлон Назаржувозкашнинг оти Олмакўзга илашиб қолганда, Назар жувозкаш Тарлонни куёв деб атайти.

Тоғай Мурод асарларининг тили ҳам ўзига хос. Уларда халқона иборалар, шевага хос сўзлар қўлланган. Булар адибнинг ўз асарлари тили устида кунт билан ишлаганлигини кўрсатади. Адиб асарларида от, сифат, сон, олмош, феъл, омоним ва антонимлардан, боғловчи, юклама ва ундовлардан ҳам ўринли фойдаланган. Боғловчисиз ва боғланган қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар, кўчирма гаплар қўлланилган.

Қуйидаги парчага эътибор берайлик:

Отамиз онаси оёқдан қолди.

Ётди-ётди, овқатдан қолди.

Ётди-ётди, тилдан қолди.

Ётди-ётди...чоли олдида келди.

Ушбу гапларнинг тузилишининг ўзиёқ Тоғай Муроднинг тил қоидаларини нақадар пухта эгаллаганлигини кўрсатиб турибди.

Хуллас, асарнинг бадиий хусусиятлари тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Боиси ушбу тадқиқотимизда унга батафсил тўхталишнинг имони йўқ. Чунки, Тоғай Мурод асарларининг поэти хусусиятлари, ундаги саъж намуналари махсус тадқиқ қилиниши керак бўлган, алоҳида изланишларни талаб қиладиган ва бугунги кунда адабиётшуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

ХУЛОСА

XX асар адабиётида фольклор анъаналарига мурожаат этиш ўзбек адиб ва шоирлари ижодида ниҳоятда кучайди. Буни Тоғай Мурод асарларида кўриб чиқдик. Тоғай Мурод Абдулла Қодирий, Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва бошқв устоз адиб ва шоирларимизнинг анъаналарини давом эттириб, фольклордан фойдаланишнинг ўзига хос йўлларида борди. Шунинг учун ҳам Тоғай Мурод асарларида фольклор сюжетлари, қадимги ривоят ва афсоналарининг сеҳрли мотивларидан кўра қаҳрамонлик эпосининг маҳобатли руҳи, унинг муболағали тасвир усуллари, бадиий тасвир воситалари кўпроқ ўрин олганлиги кўзга ташланади. Биз буни адибнинг айниқса «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом» қиссалар мисолида кўриб чиқдик.

«От кишнаган оқшом» қиссасидаги Зиёдулла чавандоз, «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги Бўриполвон, Тиловберди полвон, Абил полвон халқ достонлари ва эртакларидаги машҳур қаҳрамонларни эслатади. Тоғай Мурод қаҳрамонлари афсоналарга жуда ўч. Улар мақол, халқ қўшиқлари, алла, аския, латиғаларни жуда яхши билиши билан алоҳида ажралиб туради.

Адибнинг тўй, дафн маросими ва бошқа удумларимиз, болалар ўйинлари ҳақида, Наврўз ва Ҳайит байрами, уларни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатларимиз ҳақида билдирган фикрлари бениҳоя қимматлидир.

Биргина «Момо-Ер» қўшиғи қиссасининг ўзида ўнлаб халқ оғзаки ижоди намуналари берилган:

Сени ҳадаб боқайин,
Кўз туморлар тақайин,
Тарғил молим, хўш-хўш,
Говмиш молим, хўш-хўш.¹

Бундай гўзал намуналар Тоғай Мурод асарларини дур бўлиб, жавохир бўлиб беаган, асарнинг ўқишли чиқишини таъминлаган. Тоғай Муроднинг содда ва равон, аниқ ва лўнда, бир-биридан пишиқ ва пухта жумлалари, насрий қўшиқлари, халқона ўхшатиш ва сифатлашлари, муволағаларни қўллашларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Тоғай Мурод ҳамма вақт халқ ижодидан баҳраманд бўлиб ижод қилган. Тоғай Мурод ўз

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. +қиссалар. Т., 1994, 458-бет.

асарлари билан халқ оғзаки ижоди намуналари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаслигини, улар ижодкор маҳорати билан боғлиқ ҳолда ҳамма вақт замонавийлик касб этишини амалда исботлаб берди. Бир сўз билан айтганда, Тоғай Мурод асарлари фольклордан озик олган бўлиб, халқ донишмандлигининг нодир фазилатларини ўзида ёрқин акс эттирганлиги билан ҳам қадрлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Саримсоқов Б. Фольклор ва ўзбек адабиёти муносабатларига доир изланишлар. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1976, 5-сон.
3. Ҳоди Зариф. Ўзбек фольклористикаси тарихидан. Т., 1970.
4. Солижонов Й. Умрбоқийлик сирлари. «Жаҳон адабиёти», 2002, 4-сон.
5. Орипов А. Адабиёт ва замон. «Жаҳон адабиёти», 2006, 6-сон.
6. Раззоқов Ҳ. Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., «Ўқитувчи», 1980.
7. Пардабоева З. Ўзбек романи: талқин ва таҳлил. «Шарқ юлдузи», 2002, 1-сон.
8. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. Т., 2006.
9. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. Т., Фан, 1991.
10. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. Т., Фан, 1995.
11. Эшонқулов Ж. ўзбек фольклорида дев образи. Т., 1996.
12. Авесто. Яшт китоби. Т., Шарқ, 2001.
13. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., Фан, 1986.
14. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. Қарши, «Насаф», 1999.
18. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. Т., 1994.